

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ  
ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳукуки

УДК 626.81

**ШЕРҚОБИЛОВ ШЕРАЛИ**

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН  
Фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асослари”  
(Тошкент вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси материаллари  
мисолида)**

5А340201 – “Менежмент”(сув хўжалигида)

Мутахассислик бўйича “Магистр” академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: доц.

\_\_\_\_\_ А.Ж.Тошбоев

**Тошкент – 2012**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланишнинг назарий асослари</b>	
1.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ижтимоий иқтисодиётда тутган ўрни.....	8
1.2. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг зарурий асослари.....	13
1.3 Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий- иқтисодий асослари.....	18
<b>II БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили.</b>	
2.1. Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий курсаткичлари таҳлили.....	28
2.2 Сув хўжалиги корхонасининг иқтисодий самарадорлиги.....	34
2.3. Сув ресурсларини бошқариш кўрсаткичлари таҳлили.....	42
<b>III БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ СУВ РЕСУРСЛАРИ Билан таъминлашнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йуллари</b>	
3.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналаринда маҳсулот етиштиришнинг кўрсаткичлари таҳлили.....	48
3.2. Фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва амалий асослари.....	55
3.3. Жаҳон молиявий инкирози шароитида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини яхшилаш йуллари.....	67
<b>ҲАЁТФАОЛИЯТИ ҲАВФСИЗЛИГИ</b> .....	75
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР</b> .....	78
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	81

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Иқтисодий эркинлаштириш шароитида республикамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини барқарорлаштириш борасида мавжуд суғорма деҳқончилик ва сув ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражаси муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ўзбекистон қадимдан суғорма деҳқончилик мамлакати бўлиб келган. Суғорма деҳқончилик озиқ овқат соҳасида республика мустақиллигининг негизи ва асосий экспорт маҳсулотининг манбаидир”. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аграр соҳада иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш борасида 2011 йилда 6,8 миллион тонна ғалла, 3,5 миллион тоннага яқин пахта, 8,2 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз ва 3,0 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Юрт бошимиз қишлоқ хўжалик соҳасида биринчи навбатда, тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонвий агротехникаларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш билан боғлиқ, ҳали бери ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ҳаммамизга маълумки деҳқончиликнинг асосий хусусияти шундан иборатки, у йирик ирригация тизими хизмат қиладиган суғориладиган ерларга асосланади. Хайдаладиган майдонларнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғи суғориладиган ерлардир. Шунинг учун ҳам истиқболда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши бевосита сув ресурсларидан тежамли фойдаланишга қаратилгандир.

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти каттадир. Чунки мамлакатимизда 67 миллиард м<sup>3</sup> сув ресурслари бўлиб унинг 92 фоизи қишлоқ хўжалигида ишлатилади. Охириги йилларда об-ҳавонинг ноқулай келиши ва кўшни давлатларнинг сувларини асосиз жиловлаб олиниши натижасида талаб

этиладиган сув миқдори танқис бўлиб келмоқда. Республикада сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг илғор технологияларини амалиётга жорий этиш натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажмини ошириш долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. 2011 йилда пахта етиштиришда ғўзага 4-5 мартадан суғориш ўрнига 2 марта суғориш жорий этилиши натижасида ҳам истиқболдаги маҳсулотни етиштиришга эришилди. Ҳукуматимизнинг асосий эътибори қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни интенсив йўл билан ҳал этишга қаратилган.

Юқоридагиларни кайд этиб қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий ва иқтисодий асосларини илмий асосда ўрганиб ижобий тақлифлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш танлаб олинган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Мавзуни ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи субъектларини ривожлантириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув хўжалиги тизимини ислох қилиш, сув ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш ҳамда қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаришнинг илмий ва назарий асослари кўпгина олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан: С.Ч.Жалолов, В. А.Духовный, Р.Х.Хусанов, А.С Султанов, Ў.П.Умурзоқов, К.А.Чориев, А.Ж.Тошбоев, Ж.Х.Рашидов, М.Х.Саидова, Б.У. Хасановлар ўз илмий ишлари билан катта ҳисса қўшганлар. Юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий тадқиқотлари қишлоқ ва сув хўжалиги тизимининг тараққиётига қўшган ҳиссаларини инкор этмаган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, улар олиб борган тадқиқотларнинг кўпчилиги бозор ва мулкчиликка асосланган шароитни тўлалигича ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги сув ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий- иқтисодий асосларини ўрганиб чиқишни ўз ичига олади.

**Илмий тадқиқотнинг мақсади.** Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни ташкилий-иқтисодий асосларини ўрганиш

бўйича тадқиқотлар олиб бориш натижасида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг диссертация тадқиқотларини олиб боришда қўйидаги вазифалар ҳал этилади:**

- қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳолатини ўрганиш;
- қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини ҳозирги ҳолатини илмий жиҳатдан ўрганиш;
- жаҳон молиявий инқирози шароитида қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиб;
- сув ресурслардан самарали фойдаланишнинг ва унинг иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш;
- қишлоқ хўжалиги билан СИУ лар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни амалий ва назарий жиҳатдан ўрганиш;
- қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишда илғор технологиялардан фойдаланиш йўллари излаш.

**Тадқиқотнинг предмети ва ўрганиш объекти.** Тадқиқотнинг предмети бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарини сув ресурслари билан таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлари ҳисобланади. Тадқиқотни ўрганиш объекти сифатида Тошкент вилояти қишлоқ бошқармаси қарорлари корхоналари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг услуги ва усуллари.** Тадқиқотнинг методологик усуллари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, тадқиқот мавзуси бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган иқтисодчи олимларнинг асарлари ва ўқув қўлланмалари ҳисобланади. Шунингдек республика Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан фойдаланилади.

Тадқиқот жараёнида таққослаш, статистик гуруҳлаш, монографик таҳлил қилиш, математик моделлаштириш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Тадқиқотнинг илмий янгилиги кўйидагилардан иборат:

- қишлоқ ўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганилди;
- қишлоқ ўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини ҳозирги ҳолатини илмий жиҳатдан асосланди;
- жаҳон молиявий инқирози шароитида қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилинди;
- сув ресурслардан самарали фойдаланишнинг ва унинг иқтисодий самарадорлигига баҳо берилди;
- қишлоқ хўжалиги билан СИУлар ўртасидаги иқтисодий мунособатларни амалий ва назарий жиҳатдан ўрганилди;
- қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишда илғор технологиялардан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди ;

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан амалиётда кўйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин:

- Олий ва ўрта махсус билим юртларида мутахассислар тайёрлаш ва малакасини оширишда;
- қишлоқ ўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини ҳозирги ҳолатини илмий жиҳатдан ўрганиб хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдир;

**Тадқиқотнинг натижаларини амалиётда қўллаш ва синови.** Тадқиқотнинг асосий натижалари маъруза қилинган ва маъқулланган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** «*Мирового дефицита воды*» номли мақола “Экономика и финансы” журналида чоп этилди.

**Илмий ишнинг таркибий тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши 83-бет, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги қисми ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлиги даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифаси, объекти, илмий янгилиги натижаларининг илмий-амалий аҳамияти диссертациянинг ҳажми ўз аксини топган. Диссертация ишининг I боб. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг назарий асослари деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигида корхоналарини сув ресурслари билан таъминланишни назарий асослари, “Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий асосларини курсаткичларининг таҳлили. деб номланган иккинчи бобида қишлоқ ва сув хўжалиги корхонасининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили, “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини сув ресурслари билан таъминланишга иқтисодий самарадорлигини ошириш йуллари” деб номланувчи учинчи бобида қишлоқ хўжалиги корхоналарини сув ресурслари билан таъминланишининг истиқболли йўллари кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқот натижалари бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

# **I БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ижтимоий иқтисодиётда тутган ўрни**

Республикаимиз иқтисодий ривожланишини таъминлашда сув ресурслари табиат ресурслари орасида алоҳида ўрин тутди. Сув ижтимоий иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлатилади. Айниқса, суғорма деҳқончиликини ривожлантириш учун республикадаги мавжуд сувнинг 92 фоизи сарфланади. Шунинг учун сув ресурслари аграр тармокни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутди.

Ўрта Осиё давлатларини сув билан таъминлаб турадиган асосий сув захиралари Чотқол, Помир–Олой ва Тяньшан тизма тоғларида жойлашган. Марказий Осиё давлатлари сув захираларининг 70-80% Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатларини тоғли ўлкалари, Орол денгиз хавзасига қарашли қисмида 8 млн. гектар атрофида ер суғорилади. Бир йилда ичимликка ва суғориш учун яроқли 126,9 млрд. м<sup>3</sup> сув пайдо бўлиб, бир гектар суғориладиган ер ҳисобига 15750 м<sup>3</sup> дан тўғри келади. Агарда бир гектар ерга пахта экиб, ундан ўртача 25-30 центнер ҳосил олинадиган бўлса, бир гектар ерни суғориш учун манбадан олинадиган сувнинг ҳажми камида 10-15 минг м<sup>3</sup> ни ташкил қилади. Шу ҳудудларда жуда кўп сув сарф қилиш эвазига деҳқончилик қилинади. Ўзбекистон Республикасида бир йилда ўртача 67 млрд. м<sup>3</sup> сув истеъмол қилинади, шундан 50 млрд. м<sup>3</sup> суғорма деҳқончилик учун сарфланади. Ҳар бир гектар суғориладиган ерга ўртача 11-12 минг м<sup>3</sup> сув сарфланади.

Республикадаги сувнинг ўртача ҳажми 8-10 млрд. м<sup>3</sup> дан ошмайди. Мамлакатимизда истеъмол қилинадиган сувнинг 80% дан кўпроғи Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудидан оқиб келади. Сув баланси ва унинг йил, фасллари бўйича тақсимланишига дарёларнинг сув билан

таъминланиш характери катта таъсир кўрсатади. Сув танқислигини қисқартириш, таъминотини яхшилаш мақсадида Орол денгизи ҳавзасида катор сув омборлари ва бир қанча йирик каналлар қурилди. Бўларга сув сифими 20 млрд. м<sup>3</sup> келадиган Норин дарёсига қурилган Токтагул сув омбори, ҳар бири 2 млрд. м<sup>3</sup> сув сиғдирадиган Андижон ва Чорвоқ сув омборлари, 4 млрд м<sup>3</sup> ҳажмига эга. Бўларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигини, энергетикани, саноат ва ҳамма тармоқларида мавжуд сув захираларини тартибга солиш ва улардан тўғри фойдаланишни йўлга қўйишига қарамасдан тармоқларни сув билан таъминлашни уйдасидан чиқа олмаяпти. Шунинг учун ҳам саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тараққиётининг юксак суръатлар билан ривожланишининг ички районларнинг иқтисодий ривожланишига жалб этилиши ер усти сув захираларидан анча оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тақсимлашни яхши йўлга қўйилишини талаб этади. Бунинг учун эса сув хўжалиги тадбирларини ҳал этишда комплекс ёндошув зарур бўлади. Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш нафақат дарёлар, хавзалари бўйича балки вилоятлар бўйича ҳам кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистонда сув ресурсларнинг танқислиги шароитида сувга бўлган эҳтиёжни қондиришнинг минтақа кўламидаги тавсияларни ишлаб чиқиш сув хўжалига комплексининг асосий вазифасидир. Минтақа сув ресурслардан комплекс фойдаланиш тармоқларидан ҳар бирида сувни асосли тарзда тақсимлаш мақсадида тузилган сувдан оқилона фойдаланишнинг ягона тармоқлараро схемаси бўйича амалга оширилади.

Сув ресурсларининг асосий қисми дарёлар сувига тўғри келади. Дарёлар сувининг ўртача кўп йиллик катталиги йилига 126 млрд м<sup>3</sup>ни ташкил этадики, бу киши бошига йилига 17 минг м<sup>3</sup> сув тўғри келади.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланишда тубдан ўзгаришлар содир бўлди, кўпдан-кўп йирик гидроузеллар қурилди, ўлкан сув омборлари ва катта каналлар барпо этилади.

Орол денгизи ҳавзасида жами сиғими 72 км<sup>3</sup> ни ташкил этадиган 105 якин сув омборлари барпо этилди. Улар орасида дарёларнинг кафолатланган сув оқимини 20-25% ошириш имконини берадиган 52 км<sup>3</sup> фойдали умумий ҳажмли 10 дан кўпроқ йирик сув омборлари бор. Республикадаги мавжуд сув ресурсларининг манбалари қўйидаги жадвалда келтирилган.

*1.1.1-жадвал*

**Ўзбекистон Республикаси сув ресурсларидан фойдаланиш  
кўрсаткичлари таҳлили.**

	Йиллар					
	2007	2008	2009	2010	2011	2011 й-да 2007 й-га нис.%
Жами олинган сув миқдори.	58616,7	53006,8	43923,8	50225,29	57169,11	100,9753
Шундан:						
-дарё ўзанидан	42980,70	33439,9	24920,4	30123,31	34027,31	100,7917
-ички сой ва дарёлардан	13831,6	17402,0	16154,8	18065,4	21136,64	101,5281
-ер ости сувларидан	481,1	448,1	678,1	509,34	500,4	101,0401
-зовурлардан	1323,3	1716,8	2116,6	1527,24	1504,5	101,1369

Олиб борилган таҳлиллар натижасига кўра республика бўйича олинган сув ҳажми 2007-2011 йилларда 100,9%га ошиши ички сой ва дарёлардан, ер ости сувларидан, зовурлардан олинган сув миқдорига қараб

ортиб борган. Олинган сув ресурсларидан самарали фойдаланишни тўғри йўлга қўйишимиз керак.

Тошкент вилояти бўйича сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги ва минерализацияси: 1 метргача бўлган майдон 0.2 минг га (0.15 %), 1-1,5 метргача 1.9 минг га (1.44 %), 1,5-2 метргача 35.7 минг га (27 %), 2-3 метргача 68.6 минг га (52 %), 3-5 метргача 4.7 минг га (3.6 %), 5 метрдан юқорда 20.7 минг га (15.7%), *0-1 г/л гача 21.8 минг га (16.5 %), 1-3 г/л 93.3 минг га (70.8 %), 3 г/л дан юқори 16.7 минг га (12.7 %).*

Мамлакатимизда ирригация соҳалари ривожлантиришга қўшилган катта ҳисса бўлди, тартибга солинган сувлар минтақасини қўпайтирди ва улардан фойдаланишни пухта йўлга қўйди. Бироқ саноат ва қишлоқ хўжалиги тараққиётининг юксак суръатлари, янги районларнинг иқтисодий ривожланишга жалб этилиши ер усти сув захираларидан анча оқилона фойдаланиш ва қайта тақсимлашнинг ҳозирги даражаси халқ хўжалигининг барча эҳтиёжларини қондирмаётир. Сув ресурслари танқислиги шароитида сувга бўлган эҳтиёжларни қондириш бўйича пахтани икки марта сугориш бўйича тавсияларни ишлаб чиқилади.

Ҳозирги вақтда юз бераётган сув муаммосини қўйидаги учта йўл билан ҳал қилиш мумкин:

*Биринчидан*, дарё сувини тўла тартибга солиш керак. Дарё суви сув омборлари қуриш йўли билан тартибга солинади. Сув омборлари қуриш кўп мақсадларни кўзлайди. Бу қурилиш сув таъминотини йўлга қўйиши дарёлар сувини тартибга солиши, энергия ресурсларидан фойдаланишни таъминлаши, суғориш ва сув чиқаришни ривожлантириш, транспорт магистралларини яратилиши, балиқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда сув тошқинлари олдини олиш керак.

*Иккинчидан*, бу қурилиш сув ҳавзалари ўртасида сувни қайта тақсимлаш йўли билан сув ресурслари ҳаддан зиёд бўлган районлардан уларнинг анчагина қисмини сув хўжалик районларга олиб бориш

имконини беради. Сув ресурсларини худуд бўйича қайта тақсимлаш ишлари мамлакатимизда кўп вақтдан буён ўтказиб келинади. Ҳозирги вақтда Амударё сувининг бир қисми Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятларига етказиб берилмоқда. Келгусида бу каналлар Қизилқум ичига кириб бораверади.

*Учинчидан*, ҳар бир ҳавза ичида сувни тежаб сарфлашга қаратилган сув хўжалиги ва ташкилий-иқтисодий тадбирлар амалга оширилади. Бу тадбирларга сув хўжалиги тизимларини қайта тузиш, оқова сувлардан такроран фойдаланиш, янги техникани, сув хўжалиги ташкилотлари билан сув истеъмолчилари ўртасида бозор муносабатларини жорий қилиш киради.

Шундай қилиб, сув хўжалиги корхоналарининг ижтимоий иқтисодий соҳада тутган ўрни катта бўлиб, қишлоқ хўжалик корхоналарини сув ресурслари билан таъминлаш ва уни етказиб беришда модернизация ишларини олиб боришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари кўрсатиб берилган.

## **1.2. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг зарурий асослари**

Сув хўжалиги корхоналарини хар тамонлама ривожлантиришга ҳукумат тамонидан катта эътибор берилиб келмоқда. Айниқса ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техникавий қайта қуроллантириш, қувватлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот ҳажмини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш дозарб вазифа бўлиб турибди. Сув хўжалигини модернизация қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида молиявий барқарорликка эришган корхоналарнинг самарали меҳнати, ишлаб чиқарувчини хар тамонлама қуллаб қувватлаш сингари муҳим омиллар мужассамдир. Модернизациялаш орқали технологияни янгилаб бориш ишлаб чиқарувчининг ташаббускорлигини оширади. Бугунги кунда 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келадиган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат.

Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Бўларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2011 йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришилди. 2011 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари фоизни, саноатда 7,6 фоизни, жумладан, қишлоқ хўжалик

маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,8 фоизни, хизмат кўрсатиш ҳажми 13,8 фоиз, пуллик хизматлар – 13,8 фоиз, экспор – 28,5 фоизга ўсди.

Инқирозга қарши чоралар дастўрини амалга ошириш бошлаб юборилди ва 2011 йилнинг январ ойи якунлари бу дастур ижроси ўзининг дастлабки, аммо ишончли натижаларини бераётганини кўрсатмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастўрининг конкрет бўлимлари - белгиланган комплекс чора-тадбирлар қўйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

*Биринчидан*, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабўл қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега ега бўлишини таъминлаш имконини беради.

*Иккинчидан*, жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

- айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил етилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан - қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно - озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясида кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш.

*Учинчидан*, қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш. Шу мақсадда 2008 йили хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим. Шунингдек, таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга еришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6-8 фоиздан оширмаслик механизми ишлаб чиқилган. Айни вақтда бу соҳаларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини сўзсиз таъминлаши керак.

*Тўртинчидан*, электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш. Иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир.

*Бешинчидан*, жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Бу вазифани бажаришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш катта ўрин тутди. Ушбу дастур доирасидаги лойиҳалар ҳажмини 3-4 баробар кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Бугунги кунда иқтисодийтимизни модернизатция қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилмоқда. Шу борада, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида ишламоқдамиз. Жумладан, бунда янги қурилиш лойиҳалари - 18,5 миллиард долларни, модернизатция ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар эса тахминан 6 миллиард долларни ташкил қилади. Лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари бошланаётган иншоотларни қўйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилмоқда: компания ва корхоналарнинг ўз маблағлари - умумий ҳисобда 8,2 миллиард доллар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди кредитлари - 2,5 миллиард доллар, хорижий инвестиция ва кредитлар - 13,5 миллиард доллар.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобидан йилига 10,4 миллиард долларлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, йиллик экспортни 6,5 миллиард долларга ошириши, ялпи ички маҳсулот ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Бугунги кундаги асосий вазифамиз - ҳар бир лойиҳани қисқа муддатларда барча манфаатдор тузилмалар, биринчи навбатда, хорижий инвесторлар билан биргаликда батафсил кўриб чиқиш, улар бўйича келишувларни охирига етказиш ва 2009-2014 йилларга белгиланган ушбу стратегик муҳим дастурнинг қабўл қилинишини тезлаштиришдир.

2011 йили «Кичик бизнес ва тадбиркорлик» Давлат дастурида бу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, енг муҳим йўналишлари, конкрет параметрлари ва молиявий манбалари аниқ белгилаб қўйилган.

Дастурнинг принципиал аҳамиятга ега бўлган қўйидаги йўналишларига яна бир бор эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, кишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Энг муҳими, қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш орқали биз авваламбор иш ўринларига талаб доимо катта бўлган қишлоқларда ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш имкониятига ега бўламиз.

2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимининг изчил амалга оширилишига - яъни, экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. 2011 йилнинг биринчи чорагида белгиланган дастурларга асосан 68 та мелиоратив объектлар барпо этиш ва реконструкция ишлари бажарилди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамгармаси ҳисобидан йуналтирилган инвестициялар ҳаши 2010 йилнинг шу даврларидаги нисбатан 1,8 бараварга кўпайиб, 9,1 миллиард сумни ташкил қилади. Натижада 84,7 км коллектор- дренаж тармоқларини тиклаш ва қуриш ишлари якунланди.

Шундай қилиб, сув хўжалигини модернизация қилиш орқали ижобий ва самарали ишлар амалга оширилмоқда.

### **1.3 Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асослари.**

Мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнининг мухим устивор йуналишларидан бири бўлиб, мавжуд ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида аграр мажмуида чуқур таркибий узгаришларни амалга ошириш ҳисобланади. Аграр мажмуида ўтказилаётган ташкилий-иқтисодий ислохатлар энг аввало ер-сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Республикада сув ресурсларининг 93 фоизга яқини аграр соҳада фойдаланилади. Сугориладиган ерларда дехкончилик маҳсулотларининг 97 фоиздан ортиги етиштирилади. Аммо, истиқболда сув таъминоти республика иқтисодиётини, шу жумладан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришни чекловчи жиддий омил ҳисобланади. Бундай ҳолат давлатлараро сув тақсимооти билан боғлиқлик бўлган сув ресурслари танқислигининг кучайиши, ҳудудий сув хўжалиги тизимида дарё оқимлари тартибининг узгариши, Аграр ҳавзаси дарёларининг сув ўтказиш қобилияти камайиши эҳтимоли ва сув ресурслари сифатининг ёмонлашиши билан ифодаланилади.

Чучук сув манбалари бўйича Марказий Осиё давлатлари дунёдаги мамлакатлар ўртасида биринчи ўринни эгаллайди. Бирок чучук сувлар ушбу давлатлар халқ хўжалигида тўлиқ фойдаланилмайди. Сув манбаалари Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар бўйича бир текис жойлашган эмас. Сув манбааларининг қарийб барчаси қуп йиллик музликлар, қор ва емгирлар ҳисобига ташкил бўлади. Асрлар давомида Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларининг танқислиги сезилиб турган. Бу жараён ҳозирги кунда янада яққол намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан ер усти ва ер остидаги сув ресурсларини тежаб фойдаланиш мақсадида сув хўжалиги тизимини ҳар томонлама ривожлантиришни талаб қилади.

Сув ресурсларидан фойдаланиш умумий бўлишга карамасдан, сув хўжалигида сувга бўлган таъсир ва унга бўлган талаб хар хилдир. Шунинг учун ҳам сув хўжалиги катор сохаларга бўлинади. Яъни: сувсиз ва курук ерларга сув чиқариш; ерларнинг захини кочириш; яйлов ерларга сув чиқариш; шаха рва кишлокларни сув билан таъминлаш; гидроэнергетика; балик хўжалиги; сув манбааларининг ифлосланишини муҳофаза қилиш ва бошқалар.у ва сувсиз ерларга сув етказиб бериш ҳисобланади. Бундай ерларга ўртача бир йилда гектарига 1000 - 30000 м<sup>3</sup> гача сув истеъмол килади.

Яйлов ерларга сафланадиган сув харажатлари унча катта бўлмоқда, аммо у купинчача ойларига тугри келади. Бундай шароитда сувнинг катта қисми ер ости сув манбааларидан кудук ва бошка иншоатлар ердамида олинади.

Гидроэнергетика, балик хўжалиги ва бошка тармоқлар сувни сарф қилмайди. Балик, улар асосан унинг кучидан еки сув ҳосил қилган қулай шароитлардан фойдаланишади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг захини кочириш, сув тошқинига йул қуймаслик, ерлар шурланишининг олдини олиш, сув эрозияси ва бошқалар сув манбааларининг ифлосланишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Таъқидлаш лозимки, сув хўжалигининг асосий вазифаси - ишлатишга лойик бўлган сувни истеъмолчиларга етказиб беришдан иборатдир. Ушбу вазифани бажариш учун сув хўжалиги тетарли моддий-техника базасига эга бўлишлари зарур. Сув хўжалигининг катта қисми узларининг бошқарувига эгадирлар. Масалан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлигининг “Сув хўжалиги” бош бошқармаси. Унинг худудлардаги хавзавий ирригация тизимлари томонидан мамлакатдаги сув истеъмолининг 50 фоиздан ортик иш фаолияти таъминланади. Шунингдек сувни қайта ишлаб чиқаришда уларнинг манбаалари ифлосланишининг олдини олиш вазифасини ҳам бажаради. Сув манбааларидаги сувдан фойдаланиш сув хўжалигининг турли тармоқларига турлича таъсир курсатади. Жумладан сув

омборлари ерларни сув билан таъминлашни ошириш билан бир вақтнинг узидабошка истеъмолчилар ишлатадиган сув миқдорининг камайишига олиб келади. Сув омборлари атрофида нр ости сувларининг кутарилиши тупрок шурланишига олиб келади. Шунинг учун ҳам сув хўжалиги тадбирларини амалга оширишда барча тармоқларнинг сув ресурсларига бўлган талабларини тўла эътиборга олишни таказо килади.

Бозор иқтисодиёти шароитида сувга талаб янада ошаяпти ва аксари ҳудудларда маҳаллий сув манбаалари узларининг ҳозирги ҳолати бўйича ушбу талабларга етарлича жавоб бермаяпти. Шу нуқтаи назардан ҳам, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида сув хўжалиги бошқариш тизимини такомиллаштириш хаётий заруриятга айланмоқда. Уз моҳиятига кура бошқариш - куп мазмун касб этадиган тушунчадир. У бирор бир объектнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида унга маълум даражада таъсир қилиш зарурияти юзага келганда еки бир тизимдан бошка тизимга утиш керак бўлган ҳолатларда кенг кулланилади. Демак, бошқариш бошқарув таъсирини ифодалаш учун ишлатилади.

Сув хўжалиги ташкилотларини бошқариш маъмурияти ишчилари жамоа меҳнати предметига (техника, курилма ва бошқалар) таъсир қилмайди, балки ягона жамоанинг таркиби ва нисбатан фаол қисми ҳисобланади ҳамда моддий бойлик яратишда фаол иштирок этади.

Сув хўжалиги халқ хўжалигининг йирик, мустақил тармоғи ҳисобланиб, узига хос ва ишончли хусусиятларга эга. Сув хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнининг хусусияти шундан иборатки, унда бошка тармоқлардан фарқли уларок инсон меҳнати сув ресурсларидан фойдаланишга, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ирригация курилмаларидан унумли фойдаланишга ва ирригация объектларинингузок муддат фойдаланишни таъминлашга қаратилган.

Ер ва сув кишлок ва сув хўжалиги иқтисодиётида умумийлик ва узаро боғлиқликлик хусусиятига эга бўлиб, уларни ривожлантириш диалектик қонуният ҳисобланади.

Амалиёт тажрибалари курсатишича, сугорма дехкончиликда экстенсив омил ҳисобига ишлаб чиқаришни янада кутариш имкониятлари чекланган. Янги ерларни узлаштириш ва ишлаб чиқаришга жалб этиш асосан ҳайдаладиган ерлар ва бошқа кишлок хўжалик ерлари ҳисобига амалга оширилади.

Кейинги йилларда сугориладиган ерлар майдони одам бош сонига ҳисоблаганда кискармокда. Иккинчи томондан меҳнат қобилиятига эга кишлок аҳолиси сонининг усиб бориши ер - сув ресурсларидан ҳамда асосий ишлаб чиқариш фондларидан нисбатан самарали ва унумли фойдаланишни талаб килади.

Сув ресурсларидан фойдаланишнинг амалдаги даражаси, уни купайтириш имкониятларининг чегараланганлиги сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни ҳеч кечиктириб бўлмокдаоқдааслигини зарурият килиб куяди.

Сугорма дехкончиликнинг Яна бир хусусияти шунтан иборатки, у яйловларга нисбатан табиат инжикликларига нисбатан камрок боғлиқлик бўлади. Ўз навбатида, яйлов дехкончилиги худудида жойлашган хўжаликларга нисбатан сугорма дехкончилик шароитида кишлок хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шугулланаётган ширкат ва фермер хўжаликлари ички хўжалик гидромелиоратив тизимларига, яъни: насос станциялари; канал ва сугориш тармоклари; коллометор ва бошқа курилмаларга эга. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда сугориладиган ерларнинг 50 фоиздан ортиги насос станциялари ердамида сув билан таъминланади. Ўзбекистонда 1500 га яқин сугориш ва мелиоратив насос станциялари фаолият курсатмокда.

Республикага сув ресурслари асосан Киргизистон, Тожикистон ва Авгонистон республикаларидан оқиб келади. Бу энг аввало ҳар хил сабабларга кура сув танқислигинива давлатлараро янги иқтисодий муносабатларни юзага келтиради. Ушбу айрим давлатларнинг

конунчилигида сув давлат мулки сифатида каралади. Бу ҳолат кишлок ва сув хўжалиги иқтисодиётида узига хос хусусиятларни келтириб чиқаради.

Сув бу ҳудудлараро хусусият касб этувчи табиат маҳсулидир. У истеъмол килинадиган унлаб ва хатто юзлаб километр жойга каналлар, сугориш тармоклари, гидротехник курилмаларердамида етказиб берилади. Ҳозирги кунда сугориш каналларининг умумий узунлиги 200 минг км. га яқинни ташкил килади.

Сув хўжалиги ташкилотларида бошқарув маъмурияти сув хўжалигининг хусусиятларидан келиб чикиб, нафакат тармоқлараро, яъни техник - иқтисодий режалаштириш, бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий фаолият таҳлили каби ишларни балки уз фаолиятига доир (мехнат жараёнларига замонавий технологияларни жорий қилиш ва лойихалаштириш, лойихалаштиришда фан-техника ютуқларини таъминлаш, сув хўжалиги объектларини куриш ва фойдаланиш, сув ресурсларидан оқилна фойдаланишни бошқариш ва назорат қилиш, хўжаликлараро сув тармоқларининг жорий ва капитал таъмирини сифатли ўтказиш ва бошқалар) ишларни ҳам бажаради.

Сув хўжалиги ишлаб чиқаришида ишлаб чиқариш бўлимлари жуда таркок жойлашган (50-60 км ва ундан купрок ҳудудларда). Раҳбар ва мутахассисларнинг харакатида вақт сафини ва харакатларни камайтириш учун уларнинг бошқарув фаолиятида бир хил ва бир-бирига ухшаш ишларни купрок бажариш имкониятларини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Сув хўжалиги ташкилотларида ишларнинг мавсумийлиги ишлаб чиқаришни ташкил кили шва бошқариш жараёнларига ьевосита таълуқли мехнат даврларининг тигизлиги бўйича хар-хилликка олиб келади. Шубилан бирга сув хўжалиги ташкилотлари бошқарув маъмурияти ходимларининг мухим вазифаларидан бири ишчи кучи ва мехнат воситаларидан тўлик фойдаланишни, мехнат жараёнларининг бир текислигини ва узликсизлигининг юкори даражасини таъминлаш ҳисобланади. Бошқарув маъмуриятининг вазифаси амалиётда ушбу масалаларни ишлаб чиқариш

жараёнларини унга мос келмайдиган иш даврлари билан мувофиқлаштириш йули билан оқилона хал қилишдир. Демак, амалийжihatдан олганда, хар бир ташкилот хар кандай даврда ҳам ишлаб чиқариш холатларининг барча тамоилларини эътиборга олган холда масаланинг энг макбул вариантини топиши зарур.

Сув хўжалигида кейинги даврда маълум ижобий узгаришлар юз берди. Бирок, якуний натижаларасосий ва айланма воситалар билан таъминланганлигига, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва марказлаштириш даражасига, ижтимоий-иқтисодий шароитларга, сув хўжалиги объектларининг худудий жойлашишига, замонавий техникалар ва ишчи кучи билан таъминланганлигига, табиий-иклимий шароитлари ва бошка омилларга боғлиқлик бўлишга карамасдандеярли бир хил ишлаб чиқариш шароитларида жойлашган ташкилотларда хўжалик фаолиятининг якуний натижалари тубдан фаркланади. Бундай холатнинг асосий сабабларидан бири ташкилотларда меҳнатни ташкил эти шва бошқариш даражасининг хар-халлиги билан ифодаланади.

Сув хўжалиги тизимида бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши корхоналарнинг мустакиллигини ва хукукларини кенгайтирди. Бу уз навбатида, сув хўжалиги ишлаб чиқаришида бошқарув меҳнатини ташкил этишга услубий тарздан тугри ендашишни талаб килади. Бу сув хўжалиги ташкилотларининг меъерий хўжалик фаолияти учун талаб килинадиган рахбар, мутахассис ва техник ходимларнинг оқилона сонини аниқлашга, уларга таълукли бошқариш ва карорлар кабул қилиш услубларини танлашга таълуклидир. Шу билан бирга, келгусида сув хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришнинг сифатини ошириш учун бошқарув ишчиларининг сонини ошириш кутилган самарани бермайди. Чунки, бошқарув ходимларисонини купайтириш ортикча харажатларга олиб келади, ички хўжалик маълумотлари купаяди ва карорлар кабул қилишда маълум кийинчиликларни келтириб чиқаради. Бу эса бошқарув меҳнати унумдорлигининг камайишига сабаб бўлади ва сув хўжалик ишлаб

чиқаришининг барча боскичларидаги натижаларига салбий таъсир килади. Шу нуқтаи назардан ҳам, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида сув хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Сув хўжалиги бошқариш тизимини такомиллаштириш дейилганда, сув хўжалигининг барча бугинларида бозор иқтисодиёти тамоилларини жорий қилиш, соҳа иқтисодиётини эркинлаштириш, қишлоқ ва бошқа тармоқхўжаликлари билан шартнома муносабатларини туғри йўлга қуйиш, сув ресурсларига баҳо белгилаш механизмининг илмий асослаш тушинилади. Ўзбекистон республикасида сув хўжалигини бошқариш тизимини бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида фаолият курсатишини таъминлаш нафақат сув ресурсларидан тежаб-тергаб унумли фойдаланишда ва балки яқуний маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Республика иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг муҳим устивор йуналишларидан бири мавжуд ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар ер-сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган. Мамлакатимизда сув ресурсларининг 92 фоизи қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Дехқончилик маҳсулотларининг 97 фоиздан суғориладиган ерларда етиштирилади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожлантиришда давлатлараро сув тақсимооти билан боғлиқ бўлган сув ресурслари танқислигининг кучайиб, сув ресурслари кескин камайиб бормокда.

Шу мақсадда ер усти ва ер остидаги сув ресурсларининг тежаб фойдаланиш мақсадида сув хўжалиги тизимини ҳар томонлама ривожлантиришни талаб қилмокда.

Қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш; ирригация меллиорация ишларини олиб бориш зарур.

Бундан ташқари ерларнинг захини қочириш, сув, ерлар шўрланишининг олдини олиш, сув эрозияси ва бошқалар сув манбааларининг ифлосланишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Сув хўжалигининг асосий вазифаси сувни истеъмолчиларга етказиб бериш, сув Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлигининг “Сув хўжалиги” бош бошқармаси, таркибидаги худудий ирригация хавза бошқармаси томонидан таъминланади.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида сув хўжалиги бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳаётий зарурият эканлигини кўрсатди.

Жаҳон амалиёти тажрибаларида бошқариш тизимининг 3 та тури мавжуд бўлиб, улар айрим ишлаб чиқариш технологик жараёнларни, тизимларни, машина ва механизмларни ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришдир.

Ишлаб чиқариш соҳасида - у бевосита иш бажарувчиларни, жамоа меҳнати жараёнида юзага улар муносабатларини, инсонлар фаолиятини бошқаришдир. Тошкент вилоятига сув ресурслари билан таъминлашда кўйидаги диаграмма маълумотларидан фойдаланилади. Суғориш манбаларига Зарафшон дарёси ва унинг таркибидаги Зарафшон дарёси, Аму-Бухоро машина канали, Тик суғориш қудуқлари орқали туманнинг барча хўжаликларига сув етказиб беради.

Сув хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришда ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришишда ҳар хил услуб ва воситалар ёрдамида амалга ошириладиган ягона ишлаб чиқариш жараёнидаги меҳнат воситалари, предметлари, кишилар жамоасига узлуксиз ва мақсадли йўналтирилган таъсир қилишдан иборат.

Сув хўжалиги ишлаб чиқаришида бошқарув меҳнати ўзига хос кўйидаги хусусиятларга эга: бошқарув сув хўжалиги ишлаб чиқаришида тўғридан-тўғри ёки бевосита иштирок қилмайди, балки жамоа меҳнатини бошқаради; ушбу меҳнатнинг бевосита қуроли бўлиб ахборот ва маълумотлар, воситаси бўлиб эса ташкилий техникалар

ҳисобланади; бошқарув маъмурияти ишчилари, айниқса раҳбар ва мутахассислари сув хўжалиги ташкилотларининг энг фаол ва устун ҳуқуқли қисми ҳисобланади; бошқарув маъмурияти ишчиларининг меҳнати асосан ақлий меҳнат бўлиб, айрим жисмоний меҳнат элементларини ҳам ўз ичига олади; бошқарув меҳнатининг унумдорлигини фақат техник ходимлар ва доимий қайталанувчи ва меҳнат жараёнлари меъёрлаштирилган ишлар билан боғлиқ бўлган айрим мутахассислар учунгина аниқлаш мумкин.

Сув хўжалигини бошқаришнинг яқуний натижаси фойда олиш ҳисобланади. Бошқарув самарадолигини бошқарув объектдаги ишлаб чиқариш натижасидир.

Сув хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнининг хусусияти инсон меҳнати сув ресурсларидан фойдаланишга, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ирригация қурилмаларидан унумли фойдаланишга ва ирригация объектларининг узок муддат фойдаланишни таъминлашга қаратилган.

Суғориладиган ерлар ҳажми меҳнатга қобилиятли аҳоли сонининг ўсиб бориши ер - сув ресурсларидан ҳамда асосий ишлаб чиқариш фондларидан нисбатан самарали ва унумли фойдаланишни талаб қилади.

Шунинг учун сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш бўйича чоратадбирларни амалга оширишни кечиктириб бўлмайдиган заруриятдир.

Ҳозирги кунда умумий узунлиги 200 минг км. га яқинни суғориш каналларини ташкил қилади.

Сув хўжалиги ташкилотини бошқариш халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига қараганда анча мураккаб бўлиб қўйидаги хусусиятларга боғлиқ: меҳнат жамоалари ва бўлимларининг бошқарув марказидан узок жойлашганлиги; сув хўжалиги ишларини бажаришда (экскаватор, бўлдозер, скрепер ва бошқа) ернинг мосланувчанлиги; ишлаб чиқариш қуролларидан фойдаланишда маълум даврлардаги нотекистик ва мураккаблик; объектнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларининг нотекистик ривожланиши ва бошқалар.

Сув хўжалиги ташкилотларида бошқарув аппарати сув хўжалигининг хусусиятларидан келиб чиқиб, техник - иқтисодий режалаштириш, бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий фаолият таҳлили, меҳнат жараёнларига замонавий технологияларни жорий қилиш ва лойихалаштириш, лойихалаштиришда фан-техника ютуқларини таъминлаш, сув хўжалиги объектларини куриш ва фойдаланиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни бошқариш ва назорат қилиш, хўжаликлараро сув тармоқларининг жорий ва капитал таъмирини сифатли ўтказиш ва ишларни бажаради.

Сув хўжалиги бўлимлари тарқоқ жойлашганлиги (50-60 км ва ундан кўпроқ ҳудудларда). Раҳбар учун бошқарув фаолиятида бир хил ва бир-бирига ухшаш ишларни кўпроқ бажариш имкониятларини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Сув хўжалиги ишларнинг мавсумийлиги, ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнлари хилма хилдир. Сув хўжалиги ташкилотлари бошқарув ходимларининг вазифаларидан ишчи кучи ва меҳнат воситаларидан тўлиқ фойдаланишни, меҳнат жараёнларининг бир текислигини ва узликсизлигининг юқори даражасини таъминлаш ҳисобланади.

Сув хўжалигида ижобий ўзгаришлар юз берди. Бошқарув тизими шаклланиб, бозор иқтисодиёти шароитида асосий ва айланма воситалар билан таъминланиш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, ижтимоий-иқтисодий шароитлар, замонавий техникалар ва ишчи кучи билан таъминланиш яхшиланди.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий тузилмасини тақамулаштиришга ва сув хўжалиги корхоналари иқтисодий самарадорлигини оширишда бошқарувнинг устувор йхналишлари белгилаб олишдан иборат.

## II БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланишнинг Иқтисодий Самарадорлик Кўрсаткичлари Таҳлили

### 2.1. Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий курсаткичлари таҳлили

Тошкент вилояти қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик корхона бўлиб, умумий ер майдони 10937 минг гектар шундан суғоришга ярокли бўлган ерлар 373,5 минг га. Умумий суғориладиган ер майдони «брутто» 184,2 минг гектар ва «нетто» 131,8 минг гектар бўлиб ердан фойдаланиш коэффициенти 0,71 ташкил этади. Зовур-дренаж тармоклари билан таъминланган ер майдонлари 106,8 минг гектарни, очик зовурлар – 94,7 минг гектар, ёпик дренажлар – 1,1 минг гектар, тик қудук зовурлар – 11,0 минг гектарга фаолият юритади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда иқтисодий ислохотларни бозор мунособатларида изчил амалга оширмоқда. Натижада қишлоқда мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш жараёни шаклланди. Унда ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб унинг ҳуқуқий - иқтисодий асослари тўлиқ яратилди. Истиқболсиз қишлоқ хўжалиги экинлари билан шугулланадиган ширкат хўжаликлари тўлиқ фермер хўжалигига айлантирилди. Натижада йирик маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектга айланди.

2010 йилда Тошкент вилоятида **8598** та фермер хўжаликлари бўлиб шундан пахта-ғаллачиликка ихтисослашгани 5434, чорвачилик 493, боғдорчилик-узумчиликда 1348, сабзавот-полизчиликда 187 та фаолият юритиб келмоқда. Охириги йилларда вилоятдаги фермер хўжаликлари 160,4 минг гектар ерга пахта экиб ҳосилдорликни 26 ц/га, рентабеллигини эса 28,7 фоизга етказган. Демак фермер хўжаликлари йирик маҳсулотт ишлаб чиқарувчи субъектлардан ҳисобланади. Вилоятдаги бошқа турдаги хўжаликлари пахта ҳосилдорлигини 25 ц/га, рентабеллиги эса 16,5 фоизни

ташқил этмоқда. Шундай қилиб, вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш янги бошқарув тизими орқали ишлаб чиқарилмоқда. Лекин ҳар бир гектар ердан олинган ҳосил талаб даражасида эмаслиги учун уларнинг моддий ресурслардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирилса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми шунчалик ортади. Фермернинг моддий ресурсларига ер, сув, ўғит, уруғлик, ёқилғи ва мойлаш материаллари, ем-хашак, энергетик воситалар, техника воситалари, меҳнат реурслари киради. Биз қўйидаги ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари кўриб чиқишимиз ва илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, кишиларнинг ерга ишлов бериши йўли билан ишлаб чиқариш шаклланади. Ер бир пайтда меҳнат предмети (меҳнат йўналтирадиган объект сифатида) ва меҳнат қуроли (ерда зарур биологик шароитларни туғдириш натижасида ўсимликлар ривожланади) сифатида қишлоқ хўжалигида юзага келади. Ер ҳар бир халқнинг асосий бойлигидир.

Ўзбекистон Республикаси 447,4 млн. гектар ер майдонига эга. Республика қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларининг 81 фоизи ёки 26,6 млн. гектари яйлов ва пичанзорларни ташқил этади. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 16 фоизи ҳайдаладиган ерларни ташқил этади. Шундан 3,0-3,2 млн. гектари ҳайдалади ва лалми деҳқончилик билан шуғулланилади. Қолган қисмидан намлик жуда кам бўлганлиги сабабли фойдаланилмайди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини бузилишига шўрланиш даражасининг ортиб бориши сабаб бўлади. Қўйидаги 2.1.1-жадвалда суғориладиган ернинг шўрланиш даражаси кўрсатилган.

**Суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси кўрсаткичлари  
ТАҲЛИЛИ**

№	худудлар номи	Йиллар	Умумий суғориладиган майдон минг га	Шўрланиш даражаси								
				Шўрланмаган майдонлар		Жами шўр-ган майдон (%)	кам шўрланган	ўртача шўрланган	кучли шўрланган			
				минг га	%		минг га					%
	Республика бўйича	2005	4273,6	2093,3	49,0	51,0	1323,7	31,0	695,4	16,3	161,3	3,8
		2006	4280,4	2109,1	49,3	50,7	1344,6	31,4	663,5	15,5	162,6	3,8
		2007	4281,9	2127,2	49,7	50,3	1325,1	30,9	672,9	15,7	156,7	3,7
		2008	4290,1	2135,5	49,8	50,2	1351,2	31,5	653,4	15,2	150,3	3,5
		2009	4313,8	2167,5	50,2	49,8	1349,2	31,3	655,7	15,2	141,5	3,3
		2010	4302,6	2177,6	50,6	49,4	1356,9	31,5	635,8	14,8	133,5	3,1
	Тошкент	2005	131,8	16,8	12,7	87,3	80,2	60,8	25,8	19,6	9,0	6,8
		2006	131,8	16,8	12,7	87,3	83,1	63,1	23,2	17,6	8,7	6,6
		2007	127,3	14,4	11,3	88,7	84,8	66,6	20,8	16,3	7,3	5,7
		2008	131,8	16,8	12,7	87,3	89,5	67,9	19,2	14,6	6,3	4,8
		2009	131,7	16,8	12,8	87,3	89,5	68,0	19,8	15,0	5,7	4,3
		2010	131,8	16,8	12,7	87,3	89,5	67,9	19,8	15,0	5,7	4,3

*Манба Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси малумотлари асосида олинди.*

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, умумий суғориладиган майдон республика бўйича 2005-2010 йилларда 29 минг.га ортган. Ернинг табиий унумдорлигини яхшилаш учун ернинг шўрини ўз вақтида ювиб турилса ернинг шўрланиш даражаси камайиб боради. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ернинг шўрланиш даражаси турлича шўрланган бўлиб, ернинг иқтисодий унумдорлигига кескин таъсир ўтказди.

Республикада шўрланмаган майдонлар 51,0 фоиз 49,4 фоизни ташкил этган бўлса, Тошкент вилоятида 87,3 фоизда сақланиб турибди. Шўрланган ерлар 3,8-3,1 фоизга, вилоятда эса 6,8-4,3 фоизни ташкил этмоқда. Маълумотлардан кўриниб турибдики бошқармада модеренизация ишлари жадал олиб борилиётганлиги сабабли ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши ернинг шўрини ювиш ишлари тўғри йўлга қўйилганлиги сабабли ижобий натижаларга эришган. Шўрланиш даражаси ортган сари тупроқнинг таркиби, гумус миқдори, банитет бали ўзгариб маҳсулот етиштириш учун унумдорлиги етишмай қолади. Шунинг учун ҳар бир ҳудудда тупроқнинг намуналарини олиб лаборатория кўригидан ўтказиб текшириб чиқилгандан кейин экин турларини жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Биз фермерларга маҳсулот етиштириш режаларини тузаётганда албатта ернинг иқтисодий унумдорлигини ҳисобга олиб шартнома муносабатларини ўрнатиш зарурдир. Акс ҳолда ердан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб, тупроқнинг табиий унумдорлигининг бузилишига олиб келади. Бошқарманинг асосий вазифаси куз пайтларида шўрланган ерларга ернинг шўрини ювиш учун сув ресурсларини таъминлашдан иборат бўлади. Ҳозирги кунда сув танқислигини ҳисобга олиб кўпгина жойларда шўр ювиш тадбирлари амалга оширилмай келмоқда. Натижада тупроқнинг шўрланиш даражаси ортиб боради. Шўрланиш даражасини пасайтириш учун ерни реконструкция ва модеренизациялашга асосий эътиборни қаратиш ҳукумат томонидан белгиланган тадбирлар асосида амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Бу ҳолатни Тошкент вилояти туманлари мисолида 2.1.2.-жадвалда кўриш мумкин.

Бошқарма томонидан етказиб берилаётган сувни 5 та туманда 28 та СИУлар томонидан фермер хўжаликларига сув етказиб берилмоқда. Натижада пахта хосилдорлиги 29,2 ц/га, 1га пахта майдонига сарфланган сув миқдори, 15,12 минг м<sup>3</sup>, 1м<sup>3</sup> сув ҳисобига олинган пахта 1,9 кг.ни ташкил этади. Биз сув манбаларидан самарали фойдаланиш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, бозор муносабатларида иш юритишни ташкил этишга асосий эътиборни қаратишимиз керак. Мавжуд суғориладиган майдонларга ирригация ва мелиорация ишларини амалга оширишда давлат дастурлари асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатни қуйидаги 2.1.4-жадвал маълумотларидан кўриб чиқамиз.

Тошкент вилояти ирригация тизими бошқармасининг сув ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари берилган бўлиб 2010 йилда шўр ювиш ишлари 9800 га ерда амалга оширилди. Туман чегарасига етказиб берилган сув миқдори режа бўйича 190,6 млн. м<sup>3</sup> ўрнига лимит бўйича 86,9 млн.м<sup>3</sup> сув етказиб берилиши керак эди. Амалда 95,6 млн. м<sup>3</sup> сув олинди. Бўлимитга асосан 8,7 млн.м<sup>3</sup> сув ортиқча олинганлигини кўрсатмоқда. Сувдан фойдаланиш коэффиценти 0,94-0,93 ни ташкил этмоқда. Суғориш ишларини амалга оширишда йилига пахтага 2,4 марта сув бериш керак бўлса 2,5 марта сув берилганлигини кўрсатади. Шундай қилиб ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ерларни модернизация қилиш ишларини жадаллаштириш, бошқарманинг асосий вазифаси бўлиб қолиш керак.

## Чиноз ирригация тизими бошқармасининг сув ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари

Шу жумладан шур ювиш	Туманлар чегарасига етказиб берилган жами сув млн.м3				Хўжаликлар чегарасига етказиб берилган жами сув млн.м3				Хуж.аро тармоқлар Ф.И.К ти	Гектар сугориш Га/ сугориш			Сугор мумкин эди	Сув. Фойдаланиш	Сугориш нормаси минг м3/га			Мартоба шур ювиш		
	амал	режа	лимит	амал	нис %	режа	лимит	амал		нис %	амал	режа			амал	нис%	га/сут	коэффиц	режа	лимит
	6100	93,37	41,49	45,64	49	87,8	39	42,9	49	0,94	67235	50300	75	57816	0,91	3,7	1,6	1,8	2,4	2,6
	1700	44,97	19,68	21,6	48	42,3	18,5	20,3	48	0,94	31675	23800	75	27045	0,92	3,6	1,6	1,7	2,5	2,5
	150	8,64	3,94	4,36	51	8,12	3,7	4,1	51	0,94	6581	4700	71	5465	0,93	3,4	1,5	1,7	2	3,3
	600	17,27	7,77	8,51	49	16,2	7,3	8	49	0,94	13208	9600	73	11294	0,96	3,4	1,5	1,7	2,2	2,2
	1250	14,11	6,49	7,13	51	13,3	6,1	6,7	51	0,94	9806	9200	94	10455	0,88	3,4	1,6	1,7	2,3	2,5
		12,23	7,6	8,4	69	12,23	7,6	8,4	69	1	11037	8400	76	9655	0,9	2,7	1,7	1,8		
	9800	190,6	86,96	95,63	50	180	82,2	90,4	50	0,93	1E+05	1E+05	76	121730	0,91	3,51	1,6	1,76	2,41	2,52

*Манба Тошкент вилаяти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси Чиноз туман мисолида.*

## 2.2 Сув хўжалиги корхонасининг иқтисодий самарадорлиги

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, сувга доир муносабатларни тартибга солиш, кишлок хўжалик эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланиш, сувни буғланиш, ифлосланиб кетиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф қилиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек, сув таъминоти корхоналари билан сув истеъмолчилари ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини яхшилашдан иборатдир.

Суғоришда магистрал каналлар, сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларидан сувларни ички ва умумий тизим режалари асосида амалга оширилади.

Икки томонлама ишловчи зах қочириш тармоқларида сувдан фойдаланиш мелиорация қилинган ерлардаги сув режимини тартибга солиш, ички хўжалик ва умумий тизими режалари асосида амалга оширилади.

Фермерлар сувдан лимит бўйича фойдаланишади. Фойдаланиш тартиби маъмурий, ҳудудий сув тақсимлаш қондасига биноан амалга оширилади.

Сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби сув хўжалиги органлари томонидан белгиланади.

Сувдан фойдаланишда ҳақ тўлашни жорий этиш, сувдан лимит бўйича фойдаланиш, назорат қилиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Сув объектлари доимий ёки вақтинча фойдаланишга берилади.

*Муддати белгиланмаган сувдан фойдаланиш* – доимий фойдаланиш дейилади.

Сувдан вақтинча фойдаланиш муддати: қисқа – уч йилгача ва йигирма йилгача бўлиши мумкин.

Сув олиш ва унинг ҳисоб-китобини қилиш сув хўжалиги орагани билан тўзилган шартномага асосан, амалга оширилади. Сув хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ер солиғидан озод қилинган.

Хўжаликда суғориш ички сув йўллари орқали ёки дренаж, сув чиқариш кудуқлари ёрдамида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сувни мониторинг қилиш орқали салбий оқибатлар ўрганилиб, сувларнинг самарадорлиги оширилади.

Сувдан фойдаланувчилар конунларда белгиланган тартибда ирригация-мелиорация ишларини амалга оширади.

Фермер хўжаликлари сув олишни кўпайтириши ёки камайтириши, каналлардаги ва сув омборларидаги гидротехника иншоотларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиши ёки насос станциялари ва бошқа иншоотлар қуришлари тақиқланади.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишда сувни аниқ ҳисоб-китоб қилиб, истеъмолчига келадиган сув ўлчаш қурилмаси ва гидропостларни қуриш ташкил этилади.

Хўжалик ички ариқларини тозалашда хўжалик билан фермерлар ўртасида келишмовчиликлар бўлиб туриши сабабли, ички ариқлари тозаланмасдан, сув сарфи ва исрофгарчилиги ортиб боради. Натижада хўжалик раҳбарлари ва фермер хўжаликлари бошлиқлари ирригация ишларини ўзлари билганича бажармоқда. Оқибатда сув таъминотининг бўзилишига йўл қўйилмоқда. Сув тақсимоти эски усулда тахминий кўз билан чамалаб бўлинмоқда. Натижада бош мироб хўжалик ичида сувни тўғри тақсимот қилолмай, туман сув хўжалиги бўлимларидан қўшимча сув сўраб, сув сарфини кўпайтирмоқда.

Сув таъминоти корхоналарининг асосий вазифаси сув истеъмолчиларига сувни ўз вақтида шартнома асосида етказиб беришдир. Истеъмолчилар эса сув учун сарф – ҳаражатларни ўз вақтида тўлаб боришлари керак.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида республика фермер хўжаликларига ўз вақтида сув билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бажарилиши таъминланмоқда. Масалан 2000 йилда 141 та СИУ ташкил қилинган бўлса, 2006 йилда 406 та

СИУ ташкил қилиниб, республикада жами бўлиб 1502 та уюшма фаолият кўрсатмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги 476 сонли қарорида белгиланган 255 та СИУнинг ўрнига 223 та (87,4%) ташкил этилиб, уларнинг балансига 4702 миллион сўм маблағ ўтказилди ҳамда кўплаб мол-мулк ва техника воситалари берилди.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари фаолиятини яхшилаш тўғрисидаги асосий вазифалар:

- СИУлар сувдан фойдаланувчиларга ажратилган лимитлар доирасида сув етказиб беради;
- уюшма таъсисчилари ва бошқа сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув хўжалиги ташкилотлари билан ички сув хўжалик объектларини таъмирлаш ва ишлатиш бўйича шартномалар тўзишади ва унинг бажарилишини таъминлайди;
- уюшма хўжалиги ҳудудидаги сув хўжалиги объектларини тозалаш ва таъмирлаш, реконструкция қилиш ишларини ташкил этади;
- сув ўлчаш асбобларини қуришни ташкил этади ва уларни белгиланган тартибда паспортларини тузади, шаҳодатлаш ҳамда рўйхатдан ўтказишни таъминлайди;
- ер эгаларига суғориладиган ерларнинг шўрини ювиш, сувдан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;
- сувни иқтисод қилувчи илғор тажрибаларни ҳамда технологияларни жорий этишни ташкил этади;
- уюшма балансидаги асосий воситаларни техник кўриқдан ўтказиб боради, таъмирлаш ва янгилаш, ресурсларни иқтисод қилувчи техника ва технологияларни жорий қилиш ва истиқболли режаларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳар бир сувдан фойдаланувчининг бадалларини ҳисоб-китоб қилиб, белгиланган тартибда таъсисчиларнинг умумий йиғилишида тасдиқлайди.

Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, СИУлар фермер хўжаликларига сув етказиб бериш ишларини амалга оширмоқда. Республика

деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг Фарғона шаҳри вақиллиги қошида “Водий-шаршара” сувдан фойдаланувчилар маркази 120 дан ортиқ фермер хўжаликларига сув етказиб бериш юзасидан шартнома тузган.

Сувдан фойдаланувчилар маркази шартномага асосан, сувдан фойдаланувчиларга ажратилган лимит доирасида сув етказиб бериш, ички сув хўжалик объектларини таъмирлаш, тозалаш ва реконструкция қилиш ишларини ташкил этган бўлиб, бу соҳада бир қанча муаммолар мавжуд. СИУ томонидан шартномага асосан, ички сув хўжалик объектларини таъмирлаш, тозалаш ва реконструкция қилиш ишлари талаб даражасида бажарилмаяпти.

Тузилган шартномаларнинг бажармаслигига сабаб, сувдан истиқболари уюшмаларининг моддий-техника базаси шаклланмаганлигидир. Моддий-техника базаси маблағига эга бўлмаган сувдан фойдаланувчилар уюшмалари сувни илғор тажрибаларни, ресурсларни, техника ва технологияларни жорий қилиш ҳамда асосий воситаларни янгилаш каби ишларни олиб боришлари керак. СИУлар томонидан фермер хўжаликларига сув ресурслари шартнома асосида етказиб берилади. Шартнома бўйича сув ресурсларини етказиб бериш ҳолати ва дебиторлик қарзлари қуйидаги жалвалда берилган.

Шартнома шартларининг бажарилмаслик оқибатлари қишлоқ хўжалигидаги экин майдонларининг ҳосилдорлигини камайтиришга олиб келади. Натижада ернинг табиий унумдорлиги камайиб, мелиоратив ҳолати ёмонлашади. Бундай ҳолатларни қупчиллик қорхоналарда қуриш мумкин. Ичкики сугориш тармоқларида гидротехника ишларини бажарилишини қуйидаги жадалдан қуриб чиқамиз.

**Республика ва Тошкент вилоятида хўжалик ички суғориш тармоқларидаги гидротехник иншоот ишлари бажарилиш кўрсаткичлари**

	Республика бўйича					Тошкент вилояти бўйича					
	2008	2009	2010	2011	%	2008	2009	2010	2011	%	
1	<b>Гидротехник иншоотларни таъмирлаш ишлари бажарилиши:</b>										
	-йиллик режа,км	10446	4332	13200	11633	111,4	105	360	126	126	120
	-амалда,км	10998	4463	13932	11697	106,4	105	363	126	126	120
	-маблағ,млн.сўм	1734	2337	3523,6	2317	133,6	16,8	334	84,5	3	17,9
	бажарилиши,%	105	103	106	101	96,2	100	101	100	100	100
2	<b>Гидропостларни таъмирлашнинг бажарилиши.</b>										
	-йиллик режа,км	17659	5673	18518	18432	104,4	2847	564	2930	2930	102,9
	-амалда,км	19395	5935	19095	19087	98,4	2847	564	146,5	2930	102,9
	-маблағ,млн.сўм	883	602,7	2067,6	1227	139,0	99,8	19	2930	59	59,1
	-бажарилиши,%	110	105	103	104	94,5	100	100	147	100	100

*Манба Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси вилоят суғориладиган ер графикаси.*

2.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики гидротехник иншоотларни таъмирлаш ишлари бажарилиши республика бўйича 2008-2011 йилларда 111.4 фоизга бажарилган бўлса. Тошкент вилояти бўйича 120 фоизга, амалда 106,4-120 фоизга бажарилган. Қилинган ишлар учун ажраитилган маблағлар 133,6-17,9 фоизни ташкил эди. Гидропостларни таъмирлаш ишларининг бажарилиши 104,4-102,9 фоиз, амалда эса 98,4-102,9га бажарилди. Республикага нисбатан Тошкент вилоятида амалда бажарилган ишлар ҳажми ортган, лекин пул маблағлари камайган. Бунинг эвазига корхонада қилинаётган ишларнинг самарадорлиги камайишига ёки ортишига олиб келишини кўйидаги 2.2.3 -жадвалда кўриб чиқамиз.

2.2.2-жадвалда Тошкент вилоятида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили берилган бўлиб, 2009-2011 йилларда суғориладиган майдонлар 102,4 фоизга, суғоришга олинган сув миқдори 112,5, сотишдан тушган тушум 108,0, ишлаб чиқариш харажатлари эса 116,0 фоизга ошган. Демак бошқармада сарф-харажатларни тежашга асосий эътибор қаратилмапти. Шунинг учун соф фойда 76,6 фоизга камайиб кетганлиги 1м<sup>3</sup> сув ҳисобига олинган иқтисодий самара кўрсаткичларида ҳам кўриш мумкин.

2.2.2-жадвал

**Тошкент вилоятида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

№		2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2009 йилга нис. %
1	Суғориладиган майдон, га	12500	12740	12800	102,4
2	Суғоришга олинган сув миқдори млн.м <sup>3</sup>	104,2	114,3	117,2	112,5
3	Сотишдан тушган тушум	366637	278185	395896	108,0
4	Ишлаб чиқариш таннарни	287872	207779	333835	116,0
5	Соф фойда	48335	47595	30645	63,4
6	1 га майдонга сарфланган сув миқдори, минг. м <sup>3</sup>	8336	8972	9156	109,8
7	1 га майдонни суғориш учун кетган сарф харажатлар, сўм	23300	27960	33550	144,0
8	1 м <sup>3</sup> сув ҳисобига олинган иқтисодий самара:				
	- даромад	44,0	31,0	43,2	98,3
	- харажат	2762,7	1817,8	2848,4	103,1
	- фойда	463,9	416,4	261,5	56,4
	- рентабеллик, (%)	16,8	22,9	9,2	54,7

Даромад 98,3 фоизни, харажат 103,1, фойда эса 56,4 фоизни ташкил этади. Рентабеллик даражаси 16,8 фоиздан 9,2 фоизга тушиб қолган.

Корхонани модернизация қилишда сарф-харажатларни тежашга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Модернизация қилишда асосан асосий воситларни кенгайтиришга, янги замонавий техника технологияларни амалиётга жорий қилиш эвазига амалга оширилади. Асосий воситалардан самарали фойдаланилган ҳолатда корхонанинг иқтисодий фаолияти яхшиланади. Бу ҳолатни қўйидаги 2.2.3-жадвалда кўриш мумкин.

2.2.3-жадвал

**Янгийўл ИТБнинг асосий фаолиятидан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили**

(минг, сўм)

№		2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2009 йилга нис. %
1	Асосий фондлар жами, минг сўм	2635444	2736680	3477443	131,9
	Шундан: ишлаб чиқариш фондлари	2635444	2736680	3477443	131,9
2	Қолдиқ қиймати	1581266	1055938	1950466	123,3
3	Айланма фондлар	97569	130936	149810	153,5
	Шундан: ишлаб чиқариш захираси	81222	108448	133515	164,4
4	Устав капитали	1054178	1680742	1527277	144,9
5	Тақсимланмаган фойда	48335	47595	30645	63,4
6	Дебитор қарзлари	158989	83069	27480	17,3
7	Кредитор қарзлари	113312	73495	41127	36,3

*Манба Тошкент вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси Янгийўл ИТБнинг асосий таҳлили.*

Таҳлил қилинаётган объектда ИТБнинг асосий фаолиятидан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили берилган бўлиб, асосий фондлар ҳажми 2008-2010 йилларда 131.9 фоизга ошган бўлса, айланма фондлар қиймати 153.5 фоизга, устав капитали 144.9, тақсимланмаган фойда 63.4, дебитор

карзлари 17.3 . кредитор карзла 36.3 фоизни ташкил этади. Корхонанинг дебитор карзларига нисбатан кредитор карзлари юкори бўлмоқда оқда оқда. Кредитор карзларни камайтириш учун аввало иш ҳажмини кўпайтириш ҳамда сарф-харажатларни тежашга асосий эътиборни қаратиш керак. Агарда кредитор карзларни ёпиш йўлларини кўрилмаса мижозлар томонидан жарима билан ундириш имконияти пайдо бўлади. Молиявий фаолиятга салбий таъсир кўрсатади. Молиявий ҳолатни кўйидаги жадвалдан кўриб чиқамиз.

#### 2.2.4-жадвал

### Янгийўл ИТБнинг молиявий кўрсаткичлари таҳлили

(минг, сўм)

№		2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2009 йилга нис. %
1	Сотишдан тушган тушум	366637	278185	395896	107,9
2	Ишлаб чиқариш таннари	287872	207779	333835	115,9
3	Административ бошқарув харажатлари	30430	22811	31416	103,2
4	Соф фойда	48335	47595	30645	63,4
5	Рентабеллик, (%)	16,8	22,9	9,2	54.7 пункт

#### Манба Янгийўл туманидаги молиявий кўрсаткич таҳлили

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриб турибдики ИТБ бошқармасининг молиявий кўрсаткичлари, яъни 2009-2011 йилларда сотишдан тушган тушум 107,9 фоизга ошган. Таннарх даромадга нисбатан 115,9 ошганлиги сабабли соф фойда 63,4 фоизни ташкил эди. Шунинг учун корхонани реконструкция ва модернизация қилишда сарф-харажатларни тежашга имконият яратилмаганлигидан далолат беради.

### **2.3. Сув ресурсларини бошқариш кўрсаткичлари таҳлили**

Чирчиқ Оҳангарон ирригация тизими ҳавза бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги «Сув хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги 320-сонли қарори ҳамда Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2003 йил 28 июлдаги 121-сонли буйруғи билан ташкил этилган.

У «Чиноз» ирригация тизимлари бошқармасининг таркибий бўлинмаси бўлиб, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги соҳасида Тошкент вилоятининг 47964 га яъни 36% суғорилган майдонлари сув билан таъминлайди.

«Чиноз» ИТБда жами 248 та ишчи-хизматчилар хизмат қилади. Шундан 12 таси аппарат қисмида, 65 таси хизмат курсатиш қисмида 165 таси ишлаб чиқариш бўлимларида меҳнат қилишади.

Ташкилотнинг бошқарув тузилмаси қўйидагича: бошлиқ, бошлиқнинг 2 та ўринбосари бўлиб, шундан, сув бўйича ўринбосарига 5 кишидан иборат сув ресурслари бўлими, 5 кишидан иборат диспетчерлик хизмати, 177 кишидан иборат 11 та участкалар бўйсунди.

Бошлиқнинг ишлаб чиқариш ўринбосарига 6 кишидан иборат ишлаб чиқариш бўлими, 13 кишидан иборат механизация, 3 кишидан иборат автоматика ва алоқа бўлими, 1 кишидан иборат техника ҳавфсизлиги бўлими, 4 кишидан иборат коммутатор хизмати ҳамда 15 кишидан иборат хўжалик услуби ва таъмирлаш бўлимлари бўйсунди.

Ташкилотда иқтисодий масалалар бўйича бош ҳисобчи жавобгар бўлиб, унга 5 кишидан иборат ҳисобхона бўлими, 2 кишидан иборат молия бўлими, 3 кишидан иборат ходимлар бўлими, 4 кишидан иборат омборхона, 2 кишидан иборат қабўлхона ва 1 кишидан иборат юридик хизмати қарайди.

«Чиноз» ИТБни бошқаришнинг асосий фаолияти:

- Бошқарма Устав ва иш режаси асосида иш олиб бориб, биринчи юридик шахс ҳисобланади.
- Ишларни режалаштириш, бажариладиган барча ишларни юқори савияда олиб боришни жадаллаштириш, техника ва технологияларни олиб келиш, иқтисодий-молиявий аҳволини ҳал қилиш, давлат томониан ажратиладиган бюджет маблағларини мақсадли равишда сарфлаш, банклар билан иш олиб бориб, ишчи ходимларга меҳнат ҳақларини ўз вақтида олиб беради.
- Ташкилотга юқори малакали кадрларни танлаш, кадрларни жой-жойига қўйиш, иш ўринларини ҳал қилиш, рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоялашни таъминлайди.

«Чиноз» ИТБнинг асосий вазифаси:

- Ирригация тизими бўйича сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳамда сувдан фойдаланиш қонун-қоидаларига риоя этиш;
- Сув хўжалиги иншоатларининг техник ишончилигини таъминлаш;
- Ирригация тизимини ишончли фойдаланишга тайёрлаш ва уни ишчи ҳолатида сақлаш;
- Олинган ва етказиб берилган сув ресурсларини ҳисобини, сув ресурсларини иқтисод қилувчи технологияларни қўллаш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ажратилган маблағлардан, моддий техника ресурслардан, техника жиҳозларидан мақсадли фойдаланиш кўзда тутилади. «Чиноз» ИТБда бошқарув ходимларининг штат бўйича жойланиши куйидаги жадвалда берилган.

**Чиноз ИТБ бошқарув ходимларининг ўсиш динамиқаси**

(киши)

<b>ИТБ</b>	<b>2009 йил</b>	<b>2010 йил</b>	<b>2011 йил</b>	<b>2011йилда 2009йилга нис. %</b>
Жами ходимлар	245	244	248	101,2
Шундан: -хизматчилар	180	176	178	98,9
-раҳбарлар	1	1	1	100,0
-мутахассислар	177	173	175	98,8
-техник ижрочилар	2	2	2	100,0
-ишчилар	65	74	69	106,2

*Манба Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги ходимларининг ўсиш динамиқаси.*

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Чиноз ИТБ бошқарув ходимларининг ўртача сони 2008-2010 йиллада 245 тадан 248 тага узгарган. Хизматчилар сони 98,9 фоизни, мутахасислар 98,8 фоизни ташкил этган бўлса, ишчилар сони 106,2 фоизга ошди. Бошкарма раҳбарлари асосий эътиборни раҳбар ходимларни купайтирмасдан ишловчилар сонини оширишга қаратган. Корхонада ишловчилар сонини

ошиши билан ёки камайиши билан сомарадорлик ортиб бормади. Хар бир корхона рахбори сарфланаётган вақтдан унумли фойдаланиб, мехат унумдорлигини оширишга каратиш кераклигини куйидаги жадвал маълумотларидан куриб чиқамиз.

2.3.2-жадвал

**«Чиноз» ИТБнинг мехнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили**

№	ИТБ	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2011 йилда 2009 йилга нисбатан %
1.	Жами ходимлар сони, одам	245	246	248	101,2
2.	Ишлаган иш- кунлари	64439	64944	65968	102,4
3.	Даромади, минг сўм	306638	278185	395896	129,1
4.	Иш ҳақи, минг сўм	143456	125417	156085	108,8
5.	Бир ишловчининг ўртача иш ҳақи, сўм	58550	5098	62930	107,5
6.	Мехнат унумдорлиги, сўм	5689	4283	6001	105,5

*Манба Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги ходимларининг ўсиш динамиқаси.*

2.3.2 жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2008-2010 йилларда корхонадаги ходимлар сони 101,2 фоизга ошган бўлса, ишлаган

иш кунлари сони 102,4 фоизга ортишидан кўриниб турибдики мавжуд ходимлардан самарали фойдаланган. ИТБ даромади ортиб 129,1 фоизни ташкил эди. Даромад орган сари корхонанинг инловчиларга иш хаки бериш имкониятлари кенгайиб боради. Натижада ишловчиларнинг ишга бўлган муносибати яхшиланиб, даромадни кўпайтиришга ҳаракат қилади. Бошқарманинг иш хаки суммаси 108,8 фоизга, бир ишловчининг ўртача иш хаки 107,5 фоизга, меҳнат унумдорлиги 105,5 фоизга ортиши меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланаётганини кўрсатади. Меҳнат унумдорлигининг ортиши бошқарманинг иқтисодий самарадорлигига боғлиқлик бўлиб, натижаларини 2.2.3-жадвал маълумотларидан куриб чиқамиз. Меҳнат унумдорлиги вақт бирлиги ичида бажарилган иш, хизматлар натижаси билан белгиланади. Бошқарма раҳбарлари меҳнат унумдорлигини ошириш учун аввало ишловчиларнинг ижтимоий шарт-шароитларини яхшилаб, уларнинг руҳий саломалигини тиклаб, корхонада ишлаш учун яхши муҳит яратилиши, меҳнат унумдорлигини ошишининг гарови ҳисобланади.

2.3.3-жадвал

**«Чиноз» ИТБнинг молиявий кўрсаткичлари таҳлил**

минг сўм

№	ИТБ	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2010 йилда 2008 йилга нисбатан %
1.	Сотишдан тушган тушум	366637	278185	395896	108,0
2.	Ишлаб чиқариш харажатлари	287872	207779	333835	116,0

3.	Бошқарув харажатлари	30430	22811	31416	103,2
4.	Соф фойда	48335	47595	30645	63,4
5.	Рентабеллик				

*Манба Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги ходимларининг ўсиш динамиқаси.*

Чиноз ИТБнинг молиявий кўрсаткичлари таҳлил 2.3.3 жадвал маълуморларида берилган бўлиб бошқармада килинган барча ишлардан тушан тушум 2008-2010 йилларда 108,0 фоизга ортган бўлса ишлаб чиқариш харажатлари 116,0 фоизга ортиши сабабли бошқарув харажатлари 103,2 фоизга, соф фойда эса 63,4 фоизни ташкил эди. Рентабеллик даражаси 2008 йилда фоизни, 2011 йилда фоизни ташкил эди. 6497 2011 йилда.

Давлат дастўрининг 2011 йил режаси доирасида 7 млрд.302 млн.сўмлик қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш тиклаш ишларини амалга ошириш белгиланди.

Вилоят бўйича 664.4км узунликда коллектор дренаж тармоқлари қурилади, реконструкция қилинади, таъмирланиб тикланади ва бу ишлар натижасида 5 млрд 593 млн.сўм ўзлаштирилиши режалаштирилмоқда. 620 млн.сўм маблағ ўзлаштириш ҳисобига 3дона мелиоратив насос станцияси қурилади ва шу йилнинг ўзида фойдаланишга топширилади. Будан ташқари 23 дона мавжуд тик дренаж қудуқлари реконструкция қилинади. Хатирчи туманида янгидан 5 дона тик дренаж қудуғи қурилиб ишга туширилади ва 28 дона тик дренаж қудуқлари учун 1млрд 190 млн.сўм маблағ сарфланиши режалаштирилмоқда. Шундай қилиб Чиноз ИТБ иқтисодий фаолиятида сарф харажатлар ортиб бориши сабабли, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари деярли катта ижобий натижаларни эришилмаганлигини кўрсатади.

## **III БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ СУВ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ**

### **3.1. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг ижтимоий иқтисодиётда тутган ўрни**

Хозирги кунда республика қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш суръатини, ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасини ошириш кўпроқ қишлоқдаги иқтисодий - ижтимоий ўзгаришларга, хўжалик юритишни янги, нисбатан самарали шакллари таркиб топтиришга боғлиқдир. Аграр соҳада иқтисодий ислохотларни самарали амалга ошириш талаблари ҳам қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик сифатларини узида туларок мужассамлантирилган фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришни тақазо этади. Бутун иқтисодий ислохотлар давомида мамлакатимизда фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, улар олдидаги муаммоларни аниқлаш ва бу муаммоларни хал қилиш мақсадида куп ишлар амалга оширилмоқда.

килиниши катта аҳамият касб этди. Бундан ташқари фермер хўжаликлари янада ривожлантириш буйича Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қ,абул қилинган қарорлари ута муҳим ҳисобланади. Буни қуйидаги жадвалда қуриш мумкин. Жадвалда 1999 йилга нисбатан 2003 йилда ташқил этилган фермер хўжаликлари ер майдони ва уртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони акс этган.

1-жадвал маълумотларига асосланиб айтиш мумкинки, фермер хўжаликларининг ривожланиш вилоятлар буйича ҳар хил даража касб этган. Масалан: Бухоро, Навоий, Хоразм, Самарқанд вилоятларида ажратилган ер майдонлари 2 баробардан ошқини ташқил қилган бўлса, бу кўрсатқич Андижон, Жиззах, Сирдарё, Тошқент вилоятларида пастроқ даража касб этади. Бунинг объектив ва субъектив хусусиятлари бор. Объектив хусусияти ер майдонининг чекланганлиги билан изоҳланса, субъектив хусусияти

фермерликка эътиборнинг сустлиги билан характерланади. Республика ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотида қишлоқ хўжалиги корхонларига нисбатан, фермер хўжаликларининг улуши ушиб бормоқда. Фақат 1998-2003 йилларда бу ўсиш кўрсаткичи 10,1 фоизни ташкил этган.

Фермер хўжаликларида ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ер майдони улушининг ўзгариши қуйидаги жадвалда янада яққол куринади.

Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қуламини янада кенгайтириш ва самарадорлигини оширишда ечимини хал қилиши лозим бўлган қуйидагича муаммолар ҳам бор:

-чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг эркин ривожланишини таъминлаш учун уларга ажратиб берилган ер майдонларига маҳдлий ҳокимликлар томонидан пахта эктиришни қаттиян ман этиш лозим;

-мева - сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштириувчи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларни сифатли қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорда тез харидорини топиши учун улар томонидан ташкил этилган корхонларга ушбу маҳсулотларни сотиб олишлари учун банклар томонидан нақд пулни беришни йулга қуйиш лозим;

-чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари қаромоғидаги чорва мол сонларини ошиб бориши билан мутаносиб равишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда қушимча равишда ер майдонларини ажратиб бориши лозим.

**Республика фермер хўжалиklarининг 2012 йил 1 январга булган  
ўсиш динамиқаси**

Вилоятлар	Фермер хуж сони, дона		Бириктирилган ер Майдони, минг,га		Бир хўжаликка тўғри келадиган ер	
	1999	2012	1999	2012	1999	2012
Қорақолпоғистон Республикаси	1313	5855	35,1	241,8	26,8	41,3
Андижон	2077	3825	15,1	31,7	7,3	8,3
Бухоро	1780	6574	29,3	269,0	16,5	40,9
Жиззах	2598	12172	81,1	404,8	31,2	33,3
Навоий	880	4205	42,8	112,9	48,6	26,9
Наманган	1225	4548	12,1	57,9	9,8	12,7
Самарқанд	3160	9042	28,3	146,7	9,0	16,2
Сирдарё	943	6170	42,9	196,6	45,5	31,9
Сурхондарё	2113	4715	66,4	106,3	31,4	22,5
Тошкент	2822	6887	36,9	95,3	13,1	13,8
Фарғона	1663	7440	14,4	119,8	8,7	16,1
Хоразм	1100	6533	8,4	84,7	7,6	13,0
Кашқадарё	1374	9586	33,7	280,4	24,6	29,3
<b>ЖАМИ</b>	<b>23048</b>	<b>87552</b>	<b>446,5</b>	<b>2147,9</b>	<b>280,1</b>	<b>306,2</b>

*Манба Республика фермер хўжалиklarининг кўрсаткичи.*

Хулоса килиб айтганда, фермер хўжалиklarини ҳукуматимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб - қувватланиши натижасида фермерлар томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқхўжалик маҳсулотлари ҳажмидаги салмоғини кескин ошишига олиб келди. Улар томонидан пахта, ғалла ва қишлоқ, хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариши кундан кунга ушиб бормоқда.

Нодавлат мулкчилик шакллари орасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, реализация қилиш, сақлаш, сервис хизматлар кўрсатиш, таъминот, билан шуғулланадиган тизим яратилди. Республикадаги жами категориядаги хўжалиklar таркибини ўрганиб чиқишда қуйидаги 4-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз .

**Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг категориялар  
бўйичатаркиби(%)**

	Жами категориялар хўжалиги	Шу жумладан:		
		Қишлоқ хўжалик корхоналари	Фермер хўжалиги	Дехқон хўжалиги
<b>Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари.</b>				
2000 й.	100	28,9	5,1	66,0
2005 й.	100	14,0	24,3	61,7
2006 й.	100	6,3	31,4	62,3
2007 й.	100	2,5	33,4	64,1
2008 й.	100	2,3	32,6	65,1
2009 й.	100	2,2	34,5	63,3
2010 й.	100	2,1	35,0	62,9
2011 й.	100	2,2	34,1	63,7
<b>Дехқончилик маҳсулотлари</b>				
2000 й.	100	48,1	8,5	43,4
2005 й.	100	21,3	41,6	37,1
2006 й.	100	7,8	53,7	38,5
2007 й.	100	1,5	57,3	41,2
2008 й.	100	1,3	54,4	44,3
2009 йг.	100	1,4	57,6	41,0
2010 й.	100	1,2	56,2	42,6
2011 й.	100	1,2	56,0	42,8
<b>Чарвочилик маҳсулотлари</b>				
2000 й.	100	9,4	1,6	89,0
2005 й.	100	4,7	2,7	92,6
2006 й.	100	4,4	3,1	92,5
2007 й.	100	3,8	3,6	92,6
2008 й.	100	3,5	4,1	92,4
2009 й.	100	3,4	3,7	92,9
2010 й.	100	3,4	3,9	92,7
2011 й.	100	3,6	4,2	92,2

3.1.2-жадвалда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг категориялар бўйича таркиби берилган бўлиб, 2000-2011 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича қишлоқ хўжалик корхоналари 28,9 фоиздан 2,2 фоизга, фермер хўжалигининг салмоғи 5,1-34,1 фоизга, деҳқон хўжаликлари 66,0-63,7 фоизни ташкил этган. Демак, фермер хўжаликлари томонидан маҳсулот етиштириш ҳажми ва салмоғи кундан-кунга ортиб борганлигини кўрсатмоқда. Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фермер хўжаликлари 8,5-57,6 фоиз миқдорида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эришган. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 89,0-92,2 фоизини деҳқон хўжаликлари зиммасига тўғри келмоқда. Шунинг учун ҳукумат томонидан деҳқон хўжаликларини ривожлантиришда паст фоизли, имтиёзли кредитлар бериш тўлиқ йўлга қўйилган. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун аввало қишлоқ хўжалик экин майдонларини ҳисобга олиб ҳар бир субъект томонидан ер билан таъминланиш кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, режалаштириш ишлари олиб борилди (3.1.2-жадвал).

Ўзбекистон республикасининг 26 млн гектардан ортиқ қишлоқ хўжалигида фойдаланиши мумкин бўлган ерлари мавдул бўлиб, шундан 4,3 млн гектарига деҳқончилик қилиб келинмоқда. Республикада 2011 йилда 1991 йилга нисбатан ўсиши 85,7 фоизни ташкил этган. Ҳаммамизга маълумки, республикадаги мавжуд сув ресурсларининг 92 фоизи қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Лекин, Орол денгизининг қуриши, об-ҳаволарининг ноқулай келиши сабабли 11,8 фоиз ерларга сув етказиб бериш имконияти сабабли пасайиши таъминланди. Мамлакатимиз мустақил бўлгандан бошлаб ҳукуматимиз томонидан дон мустақиллигига эришишга, монокультуранинг бартараф этишга эътиборни қаратди. Дон экинлари майдони 1991 йилда 1079,9 минг га бўлган бўлса, 2011 йилга келиб, 1607,0 ёки 148,8 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Пахта экинлари майдони 77,3 фоизни ташкил этди. Шундай кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ва ихтисослаштириш самарали йўлга қўйилганлиги сабабли етиштирилаётган маҳсулот ҳажмининг ўсганлигини куйидаги 2.1.4-жадвалдан кўриб чиқамиз.

## 3.1.3-жадвал

## Республикада қишлоқ хужалик экин майдонлари кўрсаткичлари таҳлили

( минг га)

	1991 й.	2000 г.	2005 й.	2006 й.	2007й.	2008 й.	2009 й.	2010й.	2011й.	2011 й-да 1991 й-га нис. %
Жами экин майдони	4200,3	3778,3	3647,5	3637,4	3560,3	3609,7	3608,6	3704,7	3601,2	85,7
Шундан:										
<i>Донли экинлар</i>	1079,9	1614	1616,1	1618,1	1538,5	1559,0	1610,7	1677,0	1607,4	148,8
Шу жумладан: буғдой	487,2	1355,8	1439,7	1448,5	1382,2	1373,1	1354,7	1466,3	1432,6	294,0
шоли	159,6	131,8	52,5	60,6	48,0	33,8	43,6	66,9	23,1	14,5
Макка дон учун	107,7	49,2	33,6	32,8	34,2	32,3	30,1	28,3	26,5	24,6
<i>Техник экинлар</i>	1760,4	1512,5	1518,4	1478,2	1477,1	1507,2	1423,1	1416,9	1385,9	78,7
Шу жумладан: пахта	1720,5	1444,6	1472,3	1448,2	1451,3	1425,1	1347,0	1342,5	1329,2	77,3
<i>Сабзавот,полиз ва картошка</i>	294,3	222,8	222,7	244,8	254,7	265,0	272,3	291,6	294,9	100,2
Шу жумладан картошка	40,0	52,2	49,8	52,6	55,6	59,9	62,8	70,7	73,6	184,0
сабзавот	165,6	130	137,7	154,4	159,8	162,8	165,4	173,0	175,4	105,9
полиз	83,2	37	33,9	37,4	39,0	42,2	44,0	47,8	45,9	55,2
<i>Ем-хашак</i>	1065,7	429	290,3	296,4	290,0	278,5	302,5	319,2	313,0	29,4

## 3.1.4-жадвал

## Республикада қишлоқ хужалик маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичлари таҳлили

( минг тонна)

Маҳсулот турлари	2000 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2011й-да 2000й-га нис.%
Пахта хом-ашёси	3002,4	3728,4	3600,6	3683,4	3400,6	3401,9	3442,8	3500,0	116,6
Ғалла	3929,4	6401,8	6546,7	6643,1	6621,6	7391,6	7447,1	7140,1	181,7
картошка	731,1	924,2	1021,0	1188,9	1398,7	1530,9	1692,9	1862,4	254,7
сабзавот	2644,7	3517,5	4294,1	4691,9	5221,3	5710,3	6346,4	6993,7	264,4
мевалар	790,9	949,3	1182,2	1270,0	1402,7	1544,5	1710,3	1871,1	236,6
узум	624,2	641,6	803,5	878,9	792,5	900,5	987,3	1090,2	174,7
полиз	451,4	615,3	744,1	840,9	981,3	1071,3	1182,4	1294,7	286,8

Ислоҳотларнинг бошланғич босқичидан бошлаб асосий эътибор мавжуд ер майдонларидан юқори ҳосил олиш ва самарали фойдаланиш учун турли мулк субъектлари ўртасида ерлар қайта тақсимланди. Натижада маҳсулот етиштириш ҳажмига эришилди. Ялпи маҳсулот маълум гектардан йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотга айтилади.

2000-2011 йилларда республика бўйича пахта хом-ашёси ишлаб чиқариш ҳажми 116,6 фоизни ташкил этди. Аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб, пахта экин майдонларини бошқа дон, полиз, сабзавот, картошка етиштиришга берилди. Ғалла етиштириш ҳажми 181,7 фоизга, картошка 254,7, мева ишлаб чиқариш 236,6 фоизга ошди.

### **3.2. Фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва амалий асослари**

Мамлакатимизда 1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни қабул қилинганидан сўнг фермер хўжалиklarнинг сони жадал суръатлар билан ортди. Яъни, 2000 йилда республикада 43,7 мингта фермер хўжалиги фаолияти юритган бўлса, 2010 йилга келиб уларнинг сони 80,7 мингтага етди, яъни ушбу даврда уларнинг сони 2 мартага ортди. Фермер хўжалиklarига 2000 йилда жами 632,2 минг гектардан 2010 йилда 3140,2 минг гектарга, ёки бир фермер хўжалигига ўртача 18,0 -26,8 гектар ер ажратилган. Ажрагилган ер майдонлари эса шу давр ичида қарийб 5 мартага ошиб 3140,2 минг гектарни ташкил этди. Бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони эса ўртача 26,8 гектарни ташкил этди. (3- жадвал)

Республикада қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш асосида қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг таркибида деҳқон ва фермер хўжалиklarининг улуши йилдан йилга ошиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигида мулкчиликга асосланган ишлаб чиқариш шакилланган бўлиб деҳқон хўжалиги ҳам кенг миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулорларини етиштириб келмоқда. Деҳқон хўжалиги асосан кичик бизнес ва тадбиркорлик асосида фаолит кўрсатмоқда. Деҳқонхўжалиги фаолияти кўрсаткичларини қуйидаги 3.2.1-жадвал маълумотларидан кўриб чиқамиз.

3.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики республика фермер хўжаликларининг 2000-2011 йилларда умумий сони 43759-69184 донага етди. Хўжаликда ишлайдиганлар сони 294,9 минг кишидан 1357,4 минг кишига кўпайишидан кўриниб турибдики фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва давлат буюртмаси асосида бундан ташқари аҳоли эҳтиёжи учун озиқ овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми ортганлигини кўрсатади. Шундан кўриниб турибдики фермер хўжалиги тез суратларда ривожланиб бормоқда. Республиканинг аграр соҳасида олиб борилаётган ислохотлар давлат мулкчилигидан нодавлат ташкилотларига берилиши мақсад қилиб кўйилган. Зангиота туманида фермер хўжаликлари тамонидан қўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизими яратилди.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки даврида, фаолият кўрсатиб келаётган давлат ва жамоа хўжаликлари босқичма-босқич тугатилиб, бу хўжаликлар ўрнида ижара хўжаликлари, очик ва ёпиқ турдаги хиссадорлик жамиятлари, деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва ширкатлар уюшмалари ташкил этилди. Дастлабки тўпланган тажрибалар натижалари тахлили шуни кўрсатдики, бу хўжалик юритиш шакллари фаолияти кутилган юқори иқтисодий-ижтимоий самараларни бермади. Ўтказилган аниқ тадқиқотлардан маълум бўлдики, кўп ҳолларда хўжалик номи ўзгаргани ҳолда ички иқтисодий механизм ўзгармасдан, эскича иш юритиш тизимида фаолият кўрсатиб, қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги ходимларнинг ерга, мулкка ва етиштирилган маҳсулотга бўлган эгалик ҳиссини шакллантириш учун етарли шароит яратилмади.

## Республика фермер хўжалиklarининг 2000-2011 йиллардаги ривожланиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўл. бир.	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан фермер хўжалигининг улуши	%	5,1	7,3	10,0	15,1	18,6	24,3	31,4	33,4	32,6	34,5	35,0	34,1
Жами деҳқончилик маҳсулотларидан фермер хўжалигининг улуши	%	8,5	12,8	17,8	27,2	32,9	41,6	53,7	57,3	54,4	57,6	56,2	56,0
Жами чарвочилик маҳсулотларидан фермер хўжалигининг улуши	%	1,6	1,5	2,0	2,1	2,6	2,7	3,1	3,6	4,1	3,7	3,9	4,2
Жами фермер хўжаликлари сони	Дона.	43759	55445	72406	87552	103921	125668	189235	217095	105033	103081	80714	69184
фермер хўжалигига бириктирилган экин майдони	Минг га	632,2	696,3	991,6	1401,9	1762,6	2140,7	2710,6	3001,6	3045,2	3052,9	3140,2	3063,3
Жами экин майдонидан фермер хўжалигининг улуши	%	16,7	20,2	28,0	37,0	47,7	58,7	74,7	84,3	84,4	84,6	84,8	84,4
Фермер хўжалигида банд бўлган ишловчилар сони	Минг киши	294,9	386,3	488,0	603,0	765,3	954,2	1381,1	1621,4	1710,2	1521,6	1338,9	1357,4
Шундан: ватинчалик ишлайдиганлар	Минг киши	0,0	40,0	37,0	52,4	95,2	280,8	382,5	456,1	455,7	465,8	323,0	486,9
Ўртача бир хўжаликга тўғрикелади													
- ишловчилар	одам	7	7	7	7	7	8	7	7	16	15	17	20
- экин майдони	га	20,3	19,0	22,0	24,5	28,2	30,0	26,2	26,7	29,0	29,6	38,9	44,3

Манба Республика фермер хўжалиklarининг ўсиш кўрсаткичи.

Қишлоқ хўжалигида турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини вужудга келтириш ва улар ўртасида эркин рақобат муҳитини яратиб бериш мақсадида, мавжуд бўлган ижара, ширкат хўжаликлари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳар томонлама ривожлантиришда кенг имкониятлар яратиб берилди. даромадига мустақил эгалик қилиш ҳуқуқи ва бошқа корхона, ташкилотлар билан эркин алоқалар ўрнатиши демакдир.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида энг самарали хўжалик юритиш шаклларида, яъни хох у фермер хўжалиги, хох ширкат хўжалиги ёки деҳқон хўжалиги бўлсин, улардан энг самарали шаклини аниқлашни тақозо этади. Хўжалик юритишнинг танлаб олинган шаклини такомиллаштириш, қишлоқда мулкдорлар катламини барпо қилиш ва барқарор ривожлантириш, уларнинг мулкий ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатланиши, қишлоққа саноатни олиб кириш натижасида қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучларини банд қилиш, айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳамда қишлоқда инфратузилмасида хизмат кўрсатадиган корхоналарни ташкил қилиш соҳасидаги чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширишни талаб қилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳукуматимизнинг ҳозирги кунда қабул қилган қатор фармон ва қарорларида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини хўжалик юритишнинг фермер хўжалиги шаклида ривожлантириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда устивор йўналишлардан бири сифатида илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди.

Мулкчилик муносабатлари ҳар бир хўжалик юритиш шаклида ўзига хос хусусиятлари орқали намоён бўлади. Шунинг учун мулкчилик ва хўжалик юритиш шакли, мулкчилик субъекти ва хўжалик юритиш субъектини бир-биридан фарқлай билиш керак Чунки, хўжалик юритишнинг ҳар қандай шакли ўзига мувофиқ мулкчилик муносабатлари асосида фаолият кўрсатгандагина тулиқ ва самарали ишлайди.

Ўзбекистон Республикасида "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги қонунда "Мамлакатимиздаги иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва

халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилади. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари дахлсиз бўлишига ва уларнинг ривожланиши учун тенг шароит яратилишига қонун кафолат беради", деб белгилаб қўйилган. Мулкчилик мажмуасидаги ҳар бир алоҳида шакл ўз самарасини кўрсатиши учун таркиб топаётган муайян хўжалик юритиш шакли унинг ички хусусиятларига мувофиқ бўлиши лозим. Бу эса, ҳар бир алоҳида мазкур шаклларнинг бир-биридан фарқланишини, демак бундан келиб чиққан ҳолда, хўжалик юритиш шакллариининг турли-туман бўлишини ифодалайди.

Хусусий мулк тушунчаси ўзи Ўзбекистон Республикасининг "Мулкчилик туғрисида"ги қонунинг 7-моддасида ифодаланган бўлиб, унда хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборат деб кўрсатилган. Хусусий мулкнинг асосий белгиси шуки, мулкчиликнинг барча шакллари орасида ёлғиз угина мулкдорга яқин туради, бу ҳол эса мулкдорга ўз хоҳиши билан ва ўз иродасига мувофиқ мол-мулкдан фойдаланиш имконини беради. Худди шунинг учун ҳам бу ерда у камиша аниқ белгиланган шахс, ижтимоий мулк шакллариининг айрим кўринишларида бўлганидек қандайдир субъект эмас.

Мулкдор мулкка нисбатан ўз ҳуқуқларини хусусий тарзда амалга оширади, яъни у бошқа шахсларнинг розилигисиз, ўз хоҳиш ва иродаси билан унга ўз таъсирини ўтказа олади. Хусусий мулк инсонда ўзининг ихтиёридаги у ёки бу мол-мулкнинг тақдири учун кучли масъулият хиссини туғдира олади. Агар мулкни ўз эгасига, яъни мулкдорлар кўлига қонун асосида топширсак мулкка нисбатан ҳеч қачон

эгасизлик талон-тарожлик исрофгарчилик ва бошқа суистеъмомчиликка йўл қўйилмайди. Хусусий мулк инсоннинг моддий фаровонлигини белгилаб беради, унинг ҳар хил эҳтиёжларни қондириш манбаи бўлади. Шунинг учун ҳам Республикамизда мулкни хусусийлаштириш ишлари ўтказилиб, мулкдорлар синфини шакллантириш кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Мулкчилик тўғрисида"ги қонуни қабул қилингандан сўнг мамлакатимизда мулкый муносабатлар қатнашаётган фуқароларимиз онгида эгалик туйғусининг шаклланишига моддий асос яратилди. Демак давлат, умумхалқ мулки деб номланган аслида эса ҳеч кимга тегишли бўлмаган ва ҳеч ким уни мустаҳкамланишидан, кўпайишидан самарали фойдаланишидан манфаатдор ёки масъул бўлмаган

мулкни маълум даражада эгаларига бериб, уларда соҳиблик туйғусини шакллантириш, эркин соҳибкорлик ташаббусини яратиш бозор муносабатларининг иқтисодий негизини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли", 53-моддасида эса "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади," - деб ёзиб кўйилган. Конституцияда барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатланганлиги қайд қилинган.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Ўзбекистонда мулкчилик муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда Олий Мажлиснинг IV сессиясида қабул қилинган "Фуқаролик кодекси" муҳим аҳамиятга эга. Унинг 164-моддасида қуйидаги таърифлар берилган: "Мулк ҳуқуқий шахснинг ўзига қарашли мол-мулкни ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўз мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бўзишни баратарф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир". Кодексда мулк ҳуқуқининг мутлоқлиги ва унинг муддатсиз амал қилиши қайд этилган.

Биз ихтиёримиздаги мулкка айланган ер, сув, фойдали қазилмалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, машиналар, ускуналар, бино ва иншоотлар, тарихий маданий ёдгорликлар, илмий техникавий ғоялар, товарлар, меҳнатга бўлган ақл ҳамда жисмоний қобилиятлар ўзининг ҳақиқий хўжайинига эга бўлиши керак. Шундагина тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга кенг

имкониятлар очилади. Мулкни тежаб-тергаб, ишнинг кўзини билган ҳолда тасарруф қила оладиган мулкдорлар пайдо бўлишига олиб келади.

Аграр соҳада ҳам хусусийлаштиришни кенг жорий этиш, мулкни кўпайтира оладиган, бозор рақобатига бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўя оладиган мулкдорлар қатламини вужудга келтириш зарурияти туғилди. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги қонуни Республикамизда фермер хўжаликларини ташкил этиш, унинг бошқариш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги катта аҳамиятга эга бўлган меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Бу эса ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш шароитида Республикамиз аграр соҳасида мулкдорлар синфини шаклланишида муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятни касб этади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида" асарида таъкидланишича, "Бу ерда гап ўзига теккан мулкни шамолга совурмасдан ёки шахсий бойлик орттириш йўлида шу мулкни кўпайтира биладиган, техника билан қайта жиҳозлайдиган ва замон талабларига мувофиқ такомиллаштира оладиган, унинг негизида рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўя оладиган мулкдорлар ҳақидаги жараёнидир. Шунингдек иш билан банд бўлмаган аҳолини иш ўринлари билан таъминлайдиган, ўзига ҳам, ишловчига ҳам, давлатга ҳам даромад келтирадиган, ишлаб чиқаришни ташкил қила оладиган мулкдорлар ҳақида фикр юритилляпти!», - деб уқтириб ўтган эди.

Ҳақиқий мулкдор бўлган ҳақиқий хўжайинлик туйғусини хис этиш демакдир. Бу ўз навбатида, инсоннинг яширин куч-ғайратини, ташкилотчилик қобилиятини намоён этади, уни ташаббускор ва омилкор қилади, ўз корхонасининг ривожланиш истиқболи ҳақида қайғуриб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб боради, оладиган фойдаси ҳам, ходимларнинг даромади ҳам кўпаяди. Демак, иқтисодийжиҳатдан эркин фуқаро, ҳақиқий мулкдоргина ўз мол-мулкни самарали тасарруф этишдан, ўз бойлигини кўпайтиришдан моддий манфаатдор бўлибгина қолмай, балки

мамлакатни бойитишга ҳам ўзини сезиларли хиссасини қўшиш имконияти яратилади.

Фермер хўжалиklarини ташкил этиш ресурслардан, айниқса ердан самарали фойдаланиш, меҳнаткашларда мулкка, меҳнатга бўлган муносабатларни тубдан ўзгартириш, юқори кўрсаткичларга интилиш истагини кучайтиришга олиб келади. Шу хўжаликдаги аъзоларга ҳақ тўлаш механизми меҳнат унумдорлигини оширишда, ўз мулккий ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш ўз мулки асосида, етиштирилган маҳсулотга мустақил эгаллик қилиш хиссини уйғотиш орқали эришиш мумкинлигини кўрсатади. Фермер хўжалиklarида мулкдорлар ўз мулклари асосида кичик ва қўшма корхоналар ташкил этиб, мулкни ва сифатли маҳсулотларни кўпайтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнатни илғорлар тажриба ва технологиялар асосида ташкил этиш, бошқарувга малакали мутахассис ва менежерларни жалб этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархни пасайтиришдан мафаатдордирлар.

Қишлоқ хўжалигида фермер хўжалиklarини ташкил этишдан мақсад меҳнаткашларни боқимандалик кайфиятидан холос этиб, маълум бир миқдорда мулк эгаси этиб, шу мулкдан имконият даражасида самарали фойдаланиб, уни кўпайтиришнинг моддий манфаатдорлик механизмини таъминлашдан иборатдир. Мулкдор маҳсулот ишлаб чиқаришдаги сарф-харажатни тежамкорлик билан амалга ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг рақобатбардошлилигини чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Қишлоқ хўжалигида мулк муносабатларини такомиллаштириш ва мулкдорлар синфини барпо қилишнинг иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришдаги ўрни, аҳамияти ва зарурлиги кенг ва чуқур таҳлил қилиниб, илмий асослаб берилган. Бинобарин, аграр тармоқда яратилган мулкнинг ҳақиқий эгасини қарор топтириш, унинг мулккий ҳуқуқларини кафолатлаш ва мустаҳкамлаш, маҳсулот ва даромадларни кўпайтиришдан бевосита манфаатдор бўлган, мустақил мулкдорлар синфини шакллантириш

механизмини жорий қилмасдан туриб, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни самарали ривожини таъминлаб бўлмаслиги қатор

хўжаликларни кўп йиллик тажрибалари натижаларидан маълумдир.

Ушбу айрим бандларини жойларда муаммоларнинг замон талаблари даражасида тезкорлик билан ижобий ечилмаганлиги Республика Президенти ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган қатор истиқболли фармон ва қарорларини вилоят, туман ва хўжалик миқёсида тўлиғича амалга оширишдаги айрим субъектив ҳолатлар асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда.

Фермер хўжаликларини ташкил этиш қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодини ривожлантириш, мулкни кўпайтириш, ундан самарали фойдаланиш, технологик бир-бирига узвий боғлиқ хўжалик субъектлари мақсадларини уйғунлигини таъминловчи механизмларни яратишда бош омил бўлиб ҳисобланади.

Фермер хўжалиги ташкил этиш учун унинг бошлиғи белгиланган тартибда ер участкаси олиш керак Дехқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектарни, боғдорчилик узумчилик сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами 1 шартли бош чорва молига ҳисобланганда Андижон, Наманган, Самарканд, Тошкент, Фараона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, бошқа вилоятлар ва Қорақолпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда камида 0,5 гектарни суғорилмайдиган (лалмиқор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (3 йил учун уртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасига ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

Фермер хўжалиги белгиланган тартибди давлат рўйхатига олинган пайдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади. Фермер хўжалиги ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олингандан кейин юридик шахс макomini олади, банк муассасасида ҳисоб- китоб варағи ва бошқа хил ҳисоб варақлари очишга, ўз номи ёзилган муҳога эга бўлишга ҳақли. Фермер хўжалиги ташкил этишдан қонунда белгиланган тартиби бузилган ёки хўжаликнинг устави қонунга мувофиқ бўлмаган тақдирда фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиниши рад этилиши мумкин.

Давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги, шунингдек рўйхатга олиш муддатларининг бўзилганлиги устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Фермер хўжалиги устав асосида фаолият кўрсатади.

Фермер хўжалигининг намунавий устави Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Фермер хўжалигининг уставида куйидагилар кўрсатилиши керак

-фермер хўжалигининг номи;

-фермер хўжалиги бошлиғининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

-фермер хўжалигининг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотлар ва почта манзили;

-фермер хўжалигининг ихтисослашуви ва асосий турлари;

- устав фондининг миқдори.

Фермер хўжалигининг уставида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

Фермер хўжалиги ўз уставида ва ер участкасини ижарага олиш шартномасида назарда тутилган ихтисослашувга мувофиқ фаолияти йўналишларини ишлаб чиқариш тўзилмаси ва ҳажмларини мустақил

Ўзбекистон экологияси унинг атроф-муҳити барқарорлиги кўп жihatдан ресурслари унинг мавжудлиги ва сифатига боғлиқдир мутахассислар фикрига кўра ўчта муоммо мавжуд.

Биринчиси нафақат экологик нуқтаи назардан балки ижтимоий – иқтисодий жihatдан ўта муҳим касб этадиган сув ресурсларининг етишмаслиги.

Иккинчиси.Сувнинг менираллашуви ва қишлоқ хўжалик ерларининг шўрланиш даражасининг ошиб бориши.

Учунчиси.Сув манбаларининг ифлосланиши .Ушбумуоммоларнинг пайдо булишига асосий сабаб чекланган сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланмасликдир. Юқорида қайд этилган муоммолар ечимини топиш мамлакатимиз экологик хафсизлигини таъминлашнинг асосини ташкил этади.

Тошкент вилоятида оптималлаштириш натижаларини қуйидаги 3.2.2-жадвалдан кўриб чиқамиз.

2011-йил Тошкнт вилоятида 7449 та фермер хўжалклари оптималлаштиришдан кейин 6051 та фермер хўжалигини ташкил этди. Пахта ва ғаллага ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 2833 та, сабзавотчилик 650 та, боғдорчилик 1809 та, чорвачилик 539 та, бошқа экинлар 220 тани ташкил этмоқда. Мақбуллаштириш натижасида туманда 1398 та фермер хўжаликлари қисқариб, йирик маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга айланди.

Республика қишлоқ хўжалигининг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, келажакда фермерларни ташкил этишда айниқса, пахтачилик ва ғаллачилик фермер хўжаликларига 40-50 гектар ер ажратилиш лозим. Амалдаги қонунлардаги ер бўйича белгиланган ҳажмларга ҳозирча ўзгартириш киритилмади. Аммо фермер хўжаликларига ер ажратишда контурлар бўлинмаслиги асосий шартлардан бири бўлиб қолиши лозим.

Фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда Уюшма ва унинг жойлардаги вакилликларининг ролини ошириш, ахборот хизматлари кўрсатиш, маслаҳатлар бериш, юридик ва методологик ёрдам кўрсатиш бўйича ишларни фаоллаштириш зарур.

## Тошкент вилояти фермер хўжаликларини мақбуллаштириш кўрсаткичлари тахлили

Т/р	Туманлар	2011-йил октябр ҳолатига ф/х лари сони						Мақбуллаштириш натижасида						Фарқи					
		Жами ф/х лари сони	Шу жумладан					Жами ф/х лари сони	Шу жумладан					Жами ф/х лари сони	Шу жумладан				
			Пахта-ғалла чилик	Саб завоТ полиз	Боғ-узум	Чор ва	Бош Қа лар		Пахта-ғалла Чилик	Саб завоТ полиз	Боғ-узум	Чор ва	Бош қа лар		Пахта-ғалла чилик	Саб завоТ полиз	Боғ-узум	Чор ва	Бош қа лар
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
1	Оққўрғон	438	335		59	23	21	366	290	2	46	23	5	-72	45	2	-13		-16
2	Охангарон	563	328	1	119	38	77	427	230	1	100	25	71	-136	-98		-19	-13	-6
3	Бекобод	515	372	1	56	25	61	462	355	1	29	23	54	-53	-17		-27	-2	-7
4	Бўстонлик	437	95	5	227	104	6	351	73	9	172	93	4	-86	-22	4	-55	-11	-2
5	Бўка	604	531	7	14	46	6	500	456	5	7	31	1	-104	-75	-2	-7	-15	-5
6	Зангиота	606	278	67	218	40	3	500	269	287	174	36	3	-106	-27	220	-44	-4	
7	Қибрай	594	107	212	174	48	8	412	67	154	143	40	8	-137	-40	-58	-31	-8	
8	Қуйичирчиқ	555	327	21	126	27	54	437	300	17	55	24	41	-118	-27	-4	-71	-3	-13
9	Паркент	1050	211	5	739	92	3	788	133	28	534	88	5	-262	-78	23	-205	-4	2
10	Пискент	404	284	1	67	47	5	322	224	2	48	43	5	-82	-60	1	-19	-4	
11	Ўртачирчиқ	391	244		101	31	15	314	216		61	27	10	-77	-28		-40	-4	-5
12	Чиноз	260	184	4	53	17	2	230	162	4	47	15	2	-30	-22		-6	-2	
13	Юқоричирчиқ	343	241		43	54	5	314	2316		44	47	7	-29	-25		1	-7	2
14	Янгийўл	734	135	161	400	27	11	628	111	140	349	24	4	-106	-24	-21	-51	-3	-7
<b>Вилоят бўйича:</b>		<b>7449</b>	<b>3672</b>	<b>458</b>	<b>2396</b>	<b>619</b>	<b>277</b>	<b>6051</b>	<b>2833</b>	<b>650</b>	<b>1809</b>	<b>539</b>	<b>220</b>	<b>-1398</b>	<b>-839</b>	<b>165</b>	<b>-587</b>	<b>-80</b>	<b>-57</b>

Манба Тошкент вилояти фермер хўжаликларини мақбуллаштириши.

### **3.3. Жаҳон молиявий инқирози шароитида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини яхшилаш йўллари.**

Ҳаммамига маълумки, мамлакатимиз хўжалигини ривожлантиришнинг долзарб муаммоси –жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат.

Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тўзилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Бўларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2009 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришилди. 2009 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоиз, қурилиш – 8,3 фоиз, транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми – 10,2 фоиз, савдо соҳаси – 7,2 фоизга ўсди.

Инқирозга қарши чоралар дастўрини амалга ошириш бошлаб юборилди ва 2011 йилнинг январ ойи яқунлари бу дастур ижроси ўзининг дастлабки, аммо ишончли натижаларини бераётганини кўрсатмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари - белгиланган комплекс чора-тадбирлар қўйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

*Биринчидан* - корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий,

мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича кабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқеига эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

*Иккинчидан* - жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

- айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил етилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан - қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно - озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференсиялар бериш.

*Учинчидан* - қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш. Шу мақсадда 2009 йили хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим.

Шунингдек, таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга еришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6-8 фоиздан оширмаслик механизми ишлаб чиқилган. Айти вақтда бу соҳаларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини сўзсиз таъминлаши керак.

*Тўртинчидан* - электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш. Иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир.

*Бешинчидан* - жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Бу вазифани бажаришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш катта ўрин тутди. Ушбу дастур доирасидаги лойиҳалар ҳажмини 3-4 баробар кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилмоқда. Шу борада, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида ишламоқдамиз. Жумладан, бунда янги қурилиш лойиҳалари - 18,5 миллиард долларни, модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар еса тахминан 6 миллиард долларни ташкил

килади. Дастурга киритилиши мўлжалланаётган бу лойиҳалар авваламбор ёқилғи-энергетика, кимё, нефт-газни қайта ишлаш, металлургия тармоқларига, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва бошқа соҳаларга тегишлидир.

Лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари бошланаётган иншоотларни кўйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилмоқда: компания ва корхоналарнинг ўз маблағлари - умумий ҳисобда 8,2 миллиард доллар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди кредитлари - 2,5 миллиард доллар, хорижий инвестиция ва кредитлар - 13,5 миллиард доллар.

Шуниси эътиборга сазоворки, ушбу лойиҳаларнинг бир қисми бўйича 2009-2010 йилларда қурилиш ишлари бошлаб юборилган, баъзиларининг қурилишини эса 2011 йилда бошлаш кўзда тутилмоқда.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобидан йилига 10,4 миллиард долларлик кўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, йиллик экспортни 6,5 миллиард долларга ошириши, ялпи ички маҳсулот ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Маълумки суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан яхшилашга қаратилган мелиорация тизимларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш каби комплекс тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2008–2012 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилиб, босқичма – босқич амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар Ўзбекистон молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан молиялаштирилмоқда. Жамғарма маблағлари ҳисобига яқин беш йил мобайнида ихтисослаштирилган қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий – техника базасини мустаҳкамлаш учун 508 дона экскаватор, 116 дона бўльдозер 75 дона ёпиқ – ётиқ зовур – дренаж

тармоқларини ювувчи агрегатлар, 91 дона механизмларни ташиш учун ёрдамчи техникалар имтиёзли лизинг шартлари асосида харид қилиш белгиланган.

Бугунги кундаги асосий вазифамиз - ҳар бир лойиҳани қисқа муддатларда барча манфаатдор тўзилмалар, биринчи навбатда, хорижий инвесторлар билан биргаликда батафсил кўриб чиқиш, улар бўйича келишувларни охирига етказиш ва 2009-2014 йилларга белгиланган ушбу стратегик муҳим дастурнинг қабўл қилинишини тезлаштиришдир.

2009 йили тасдиқланган “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурида бу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, енг муҳим йўналишлари, конкрет параметрлари ва молиявий манбалари аниқ белгилаб қўйилган.

Дастурнинг принципиал аҳамиятга ега бўлган қўйидаги йўналишларига яна бир бор эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

*Биринчидан*, мазкур дастур ижроси билан боғлиқ қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, янги қонунлар қабўл қилиш, тегишли қонун ҳужжатларига, Ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур. Қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

*Иккинчидан*, дастурда белгиланган вазифалар орасида қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чоратadbирларни амалга ошириш принципиал муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил етиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Ҳудудларнинг меъморий-лойиҳавий қурилиши бўйича бош планлари ишлаб чиқилишини таъминлаш, минтақаларнинг иқлими, демографик ҳолати ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ уйлари ва ижтимоий иншоотларнинг унификация қилинган намунавий лойиҳаларини тайёрлаш даркор.

Бу вазифаларни бажариш учун махсус "Қишлоқ-қурилиш-лойиҳа" лойиҳа-тадқиқот институти ташкил этилди. Ушбу муассасанинг тўлақонли фаолият бошлашини тезлаштириш, уни юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ва уларнинг олдига аниқ ва равшан вазифалар қўйиш керакки, 2009 йилнинг ўзидаёқ биз янги архитектура бош планлари ва намунавий лойиҳалар бўйича ишлаш имкониятига эга бўлишимиз лозим.

Табиийки, янги қурилишларни замонавий қурилиш материаллари ва конструкцияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қишлоқ жойларда барпо этиладиган объектларни қуришда йиғма, композитцион ва кичик блокли конструкцияларни қўллаган ҳолда, индустриал ва йиғма технологияларни кенг жорий этиш даркор.

Биз қишлоқда нафақат обод аҳоли масканлари ва замонавий уйларга, балки равон йўллар, узлуксиз энергия таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимига, ривожланган ижтимоий объектлар тармоғига - бу қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар бўладими, болалар спорти иншоотлари, телекоммуникатция ва почта алоқаси бўладими, хизмат кўрсатиш, савдо шохобчалари бўладими - ана шундай ва бошқа тўзилмаларга эга бўлишимиз керак.

Қишлоқ жойлардаги мавжуд инфратузилмани яна бир бор танқидий баҳолаб, уни кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топиш зарур. Бу қишлоқларда аҳолини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири эканини унутмаслигимиз даркор.

Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ қурилиши бўйича ҳудудий бўлимларга эга ихтисослашган банк ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, дастурнинг асосий вазифаси - қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат.

Бу борада вазифа кенг миқёсда қўйилмоқда - яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг қўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хом ашё базасини ташкил этиш зарур. Бундай ишлаб чиқариш қувватлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши даркор. Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулотни ошириш, аввало озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беришини аниқ-равшан тушуниб олишимиз зарур. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришига шубҳа йўқ.

Энг муҳими, қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш орқали биз авваламбор иш ўринларига талаб доимо катта бўлган қишлоқларда ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш имкониятига ега бўламиз.

*Тўртинчидан,* 2009-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимининг изчил амалга оширилишига - яъни, экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Кўзда тутилган чора-тадбирлар доирасида 2009 йилда узунлиги 2 минг километрдан ортиқ ичимлик суви ва қарийб 700 километрлик табиий газ тармоқларини ишга тушириш, чекка туманларни суюлтирилган газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш белгиланган.

Уй-жойларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича пудрат ишлари қўламини кенгайтириш, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида шаҳар ва туманларда тураржой фонди

объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларнинг дизайни бўйича ишларни тугал ҳолда, яъни калити билан топшириш шarti асосида фаолият олиб борадиган ихтисослашган хусусий таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини тўзиш назарда тутилган.

Давлат томонидан қабул қилинган давлат дастурлари бўйича Қашқадарё вилояти томонидан сув хўжалиги объектларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиб, сув хўжалигида моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб, сув сарфи камайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортади.

## **ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ҲАВФСИЗЛИГИ**

### **Меҳнат ҳавфсизлигини ташкил этишдаги мутахассис ҳамда раҳбар шахсларнинг ҳуқуқ ва вазифалари**

Хўжалик раҳбарлари ўз фаолиятида меҳнат ҳавфсизлиги бўйича иш жойларида соғлом ва ҳавфсиз иш шароитларини яратиш беришлари учун кўйидаги асосий вазифаларни бажаришлари керак.

Амалдаги стандартларга (андозаларга), меҳнат ҳавфсизлиги ва ёнғинга қарши сақланиш меъёр ва қоидаларига риоя қилиш, ишлаб чиқаришга илғор тажриба ва меҳнат ҳавфсизлигини бошқариш тизимини жорий қилиш, ҳар йили мансабдор шахслар ичидан буйруқ билан ҳар бир тармоқда меҳнат ҳавфсизлигига, уни олдини олиш ишларига жавобгар шахс тайёрлаш: шунингдек меҳнат ҳавфсизлиги бўйича мутахассисларни ўз жойларида ишлатиш ва улар томонидан ишларни тез бажарилишлиги учун транспорт воситаси ажаратиш, жамоа шартномасини (жамоа хўжаликларида меҳнат ҳавфсизлиги ва социал масалалар бўйича битим) тузиш; меҳнат ҳавфсизлиги бўйича чора-тадбирларни, ёнғинни олдини олиш ва уларни моддий воситалар билан таъминлашлари шарт.

Бош мутахассислар ишлаб чиқаришда меҳнат ҳавфсизлигининг ҳолатига цех ва участкаларда зарарсиз ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини яратиш беришга жавоб беради. Меҳнат ҳавфсизлиги бўйича амалдаги қонун ва меъёрларга амал қилишлари шарт; мутахассислар ва участка раҳбарларини ишини, жароҳатланишларни, қасаликларни, авариялар ва ёнғинларни олдини олишга; ишлаб чиқаришга юқори технологияларни татбиқ этиш; ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, автоматлаштириш ва компьютерлаштиришга масъулдирлар. Улар ҳавфсиз меҳнат шароитларини яхшилашга, стандартлар, ҳавфсиз меҳнат бўйича қонун, техника ва илғор тажрибаларни татбиқ этган ҳолда жалб этадилар. Шахсий химояланиш воситаларига талабномалар тузиш ва махсус кийимларни, махсус оёқ кийимларни ва химояланиш мосламаларини, совун, ювувчи ва ёғ кетказувчи воситаларни, сут, шифобахш-профилактик

овкатларни мақсадга мувофиқ берилишини назорат қиладилар. Носоз машина ва ускуналарни ишга қўймасликни, ишчиларга санитария-маиший хизмат кўрсатишни таъминлайдилар. Технологик ускуналарни рўйхатга олиш ва ҳужжатлаштиришни, юқори босим остида ишлайдиган идиш ва аппаратларни, юк кўтариб турадиган машина ва механизмларни, назорат ўлчов асбобларни ва бошқа ускуналарни вақти-вақти билан синовдан ўтказиб, ҳужжатлаштириб турадилар. Участкаларни санитария-техник ҳолатини паспортизациядан ўтказишни ташкил қиладилар. Меҳнат ҳавфсизлиги ва санитария-соғломлаштириш чора-тадбирларини комплекс режаларини ишлаб чиқиш ва бажарилишини, бўлимларни стандартлар, қоидалар, қўлланмалар, ўқитиш учун техник воситалар билан таъминлайдилар. Одамларни ҳавфсиз транспорт воситаларида ташиш, меҳнат ҳавфсизлиги бўйича қўлланмалар ишлаб чиқиш, ўрта звенодаги мутахассисларни ўқитишни ташкил қилиш ва унда иштирок этиш, охирида билимларини текшириш. йўл-йўриқларни сифатли ва ўз вақтида ўтказилишини ишлаб чиқаришдаги шикастлар ва касбий касалликларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, ўзи ра ҳбарлик қилаётган тармоқда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни текширишда қатнашишлари шарт ва юқорида кўрсатилганларни бажарилишига жавобгардирлар.

Бўлим бошлиқлари фермалар, автогараж, устахона, фермерлар, омборхона мудирлари, прораблар, бригадирлар, мастерлар, ўзлари бошқараётган участкаларда меҳнат ҳавфсизлигига жавобгардирлар. Бу борада куйидагиларни билишлари лозим: иш жойларида соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини яратиш қоидаларини, меҳнат ҳавфсизлиги ва ёнғиндан сақланиш меъёр ва қоидаларига риоя қилишни, стандартлар, қоидалар, меъёр ва қўлланмалардан фойдаланишлари, меҳнат ҳавфсизлиги бўйича кўрсатмаларни бажаришни таъминлашлари, назорат органларини таклиф ва кўрсатмаларини, раҳбарларни, меҳнат ҳавфсизлиги бўйича мутахассисларни, назорат органларини таклиф ва кўрсатмаларини бажаришлари керак. Қозонхона қурилмаларини, босим остида ишлайдиган

аппарат ва идишларни, юк кутарадиган машина ва механизмларни ўз вақтида рўйхатдан, техник хужжатлаштиришдан ва синовдан ўтказилиши назорат қилиш, кишилар ҳаётига ёки саломатлигига иш вақтида ҳавф туғилиши сезилса, дархол ишни тўхтатиш; аттестацияни вақтида ўтказилишига эътибор бериш, бош мутахассислар билан шахсий химояланиш воситаларига, совунга, сутга, даволовчи профилактик овкатларга мавжуд меъёрларга асосан талабномалар тўзиш; уларни мақсадга мувофиқ фойдаланилаётганига қараб туради. электрмеханизациялашган воситаларнинг техник ҳолатига, улардаги химояланиш тўсиқларини, блокировка мосламаларини борлигига қараб туриш; транспорт воситаларини махсус ажратилган жойларда сақлашга, ташиш учун жиҳозланмаган транспортларни одам ташишга йўл қўйилмасликка; маиший хизмат кўрсатиш хоналарини ва иш жойларини яхши санитария ҳолатида сақлаб туришга, шунингдек меҳнат ҳавфсизлиги бўйича бурчаклар ташкил қилиш ишлаб чиқариш участкалари ва бўлимларда санитария постлари в аптекаларни ташкил қилиш; олдиндан ва вақт-вақти билан ишчиларни тиббий кўрикдан ўтказилишини ташкил қилиб бериш, иш жойларидаги йўл-йўриқларни ўтказиш, йўл-йўриқ журналинини тутиш, ҳавфсиз меҳнат услубларини тарғибот этиш, иш жойларини стандартлар, қўлланмалар, плакатлар, эслатмалар билан таъминлаш шикастланганларга биринчи ёрдамни кўрсатишни ва уларни даволаш муассасасига етказишни ташкил қилишлари шарт.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1.Қишлоқ хўжалик корхоналарини сув ресурслари билан таъминланишнинг ҳуқуқий иқтисодий асослари яратилган бўлиб, уни амалиётга жорий этиш ишлари самарали амалга оширилган.

2.Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан маҳсулот ишлаб чиқиш кўрсатилди таҳлил этилган бўлиб юқори натижага эришиб келинди. Айниқса фермер хўжаликлари томонидан ғалла ва пахтанинг 99,5 фоизи етиштирилмоқда. Фермер хўжалиklarини оптималлаштириш натижасида унинг сони камайиб ҳар бир фермер хўжалик ҳисобига экин майдони 25-30 фоизга ортиши таъминланди. Янгийўл туманида пахта етиштиришнинг контракция шартномаси бекор қилингандан сўнг, туманда полиз ва сабзавотчиликга ихтисослашган фермер хўжаликлари сони кескин ошди.

3.Қишлоқ хўжалиги корхоналарига сув ресурслари билан таъминлаш лимит асосида берилди. Лимитга нисбатан вилоятнинг уруғчилик туманлари ортиқча сув олган. Айрим туманларда, Қозоғистон давлатига чегарадош туманларда сув ресурслари билан таъминлашда ўзига хос муаммолар бўлиб, лимитга нисбатан кам сув олмоқда.

4.Сув ресурслари билан таъминлаш бўйича ҳукумат томонидан сувдан самарали фойдаланиш бўйича тизим яратилган. СИУлар фаолиятини яхшилашнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Фермер хўжалиklarига сув етказиб беришни шартнома асосида олиб бормоқда. Томонлар ўртасидаги тузилган шартномаларнинг бажарилиши ва унга тўлов шартлари кескин бузилмоқда.

5.Фермер хўжалиklarига сув етказиб беришда бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича туман ҳудудларида беш юз боши минг боши ташкил қилиниб сувни ўз вақтида етказиб бериш ва фойдаланишни ташкил этилган.

6.СИУларни томонидан сув истимолчиларига шартнома бўйича хизмат кўрсатишни амалга оширмай келмоқда. Охириги йилларда сув танқислиги сабабли лимит бўйича сувни етказиб бериш кўпчилик туманларда лимитга асосан етказиб берилмади. Бундан ташқари СИУ лар томонидан етказиб берилган сув учун истемолчилар ўз вақтида ҳисоб китоб қилмаганлиги учун дебитор ва кредитор қарзлар олган СИУнинг маркетинг-техника баъзасини модернизация қилишга иқтисодий салоҳияти етмайди. Хизмат кўрсатиш талаб даражасида амалга ошмай келмоқда.

7. фермер хўжаликларининг махсулот етиштириш курсаткичлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу билан бирга пахта ва ғалланинг харид нархи ортиши сабабли, фермер хўжаликлари қаризларни ёзишга, ўзининг иқтисодий салоҳиятини оширишга эришмоқда. Инвестиция маблағларидан, банк кредитларида фойдаланиб замонавий махсилдор амалга оширмоқда жорий йилда инвестиция дастури асосида 12та лойиҳа қиймати 36,5 млн АҚШ доллари миқдоридан маблағ ўзлаштирилди.

8. Қишлоқ хўжалиги учун сув ресурслари билан таъминлашда, сув объектларини тўлиқ реконструкция қилиш ишлаб чиқаришни модернизация қилиш техник ва технологик қайта жихозлаш халқоро сифат стандартларига ўтиш бўйича турмуш дастури амалга оширмоқда

9. Сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий баҳо беришда, сув истемолчилари билан сув хўжалиги қорхоналари ўртасида сув тақсимоти, сувни ўлчаш, гидротехниклар ўрнатиш, туманлараро, туман ичидаги каналларни тозалаш, фермер ҳудудаги ариқ завурларини тозалашлари, сув исрофгарчилиги, мироб бошқаруви, сув хўжалиги рағбатлантириш шиларини ташкил этиш мақсадига мувофиқдир.

10. Сув хўжалиги қорхоналари билан сув истемолчилари ўртасидаги шартнома муносабатларини қайта кўриб чиқиб, давлат дастури ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

11. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишда назоратни кучайтириш, жарима усулларини қўллаш, сувдан мақсадли фойдаланиш

судан фойдаланганлик ёки сувни сувни етказиб бермаслик сабабли пайдо булган иқтисодий зарарни қоплаш тузилиши ишлаб чиқиш .

12. Фермер хўжаликларини бошқаришда минг боши юз боши фоліятини кенгайтириш, ҳуқуқий асос фоліятини кенгайтириш улар тизимида бошқарув фоліятини белгилаб бериш лозим.

13. Ирригация тизими бошқармалари хўжаликларни сув ресурслари билан таъминлайди. Инвестиция грант лойихаларни ишлаб чиқиш ва сармоя жалб этиш. Зовурларни тозалаш, ерларни мелиоратиб холатини яхшилаш бўйича маблағ жалб этишни ташкил этиш зарур.

14. Фермер хўжаликларини ривожлантиришда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича моддий манфатдорликни ошириш, рағбатлантириш тизимини пироворд натижага боғлаш мақсадга мувофиқдир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Президент фармонлари, қонунлар, қарорлар ва меъёрий

#### ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармони.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. Тошкент шаҳри. 1993 й. 2 сентябрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги «Сув ресурсларини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 320-сонли қарори.

4. «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш» Давлат дастури. Тошкент 2008 йил.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» ва бошқа қишлоқ хўжалигига оид онун ҳужжатлари («Ер кодекси», «Ширкат хўжалиги», «Фермер хўжалиги», «Дехқон хўжалиги», «Ер кадастри» тўғрисидаги қонунлар). –Т.: «Адолат», 1999, -446.

6. Сувдан фойдаланувчилар уюшмасини таъсис этишнинг ташкилий ва ҳуқуқий масалаларига оид қўлланма. –Т.: «Ўзбекистон», 2000, -102.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. 1999 йил 4 апрел.

8. “Машина-трактор паркларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш уларнинг хизматларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 106-сонли қарори. 1998 йил 10 март.

9. “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли қарори. 2003 йил 30 октябр.

## **II. Президент асарлари**

10.И. Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: «Ўзбекистон», 2009, -56.

11.И.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: 2005.

12.И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон», 1997. 203-204.

13.И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995, 266.

14.И.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талабидир. –Т.: 1997.

15.И.Каримов. Исло хотларни амалга оширишда қатъиятли бўлайлик. –Т.: 1998.

16.И.Каримов. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. –Т.: «Ўзбекистон», 2010, -80.

## **Маҳсус адабиётлар**

1. Абдуғаниев А., АбдуғаниевА.А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», -Т.: «Меҳнат», 2004.
2. Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж., Тошбоев А.А. «Фермер хўжалиги иқтисодиёти», -Т.: «Iqtisod-Moliya», 2008, -273.
3. Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж., Рашидов Ж.Х., Тошбоев А.А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент», -Т.: «Iqtisod-Moliya», 2008, -267.
4. Умурзоқов Ў.П , Абдурахимов И.Л. «Сув хўжалиги менежменти». –Т.: «Иқтисод – молия», 2008.
5. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғофуров У.В., Тўхлиев Б.К. «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Жа ҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. -Т.: «Иқтисодиёт», 2009.

6. Фуломов С.С. «Менежмент асослари». –Т.: «ТДАУ». 1998, 182-187.
7. Эшонов Ҳ. «Худудий принципдан ҳавза принципига». Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №3. 2004 йил, 10- б.
8. Бобоев Ҳ.Б. ва бошқалар «Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи», -Т.: «ТДЮИ», 2000, -367.
9. Тошбоев А.Ж., Умурзоқов Ў.П., Хасанов Б.У. «Корхоналарда иш yuritishni tashkil etish», -Т.: «ТИМ», 2010, -159.
- 10.О. Зокиров, Т. Худойбердиев, А. Пардаев. Агроиктисодиётни эркинлаштириш шароитида техникадан самарали фойдаланиш.-Т., «Fan va tehnologiya» нашриёти. -2005й., 241б.
- 11.Хусанов Р.Ҳ., Ҳамдамов А.Н., Рафиқов И.Э. Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати. Муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари.-Т.: Янги аср авлоди, 2001.-125 б.
- 12.Тошматов Х. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалигида маркетинг асослари.-Т.: Меҳнат, 1996.-235 б.